

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/27.02.2021.Tar.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭГАМБЕРДИЕВ ФАХРИДДИН ПАНЖИЕВИЧ

**КЕШ ВОҲАСИ ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ҚИШЛОҚЛАРИ
ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора философии (PhD)

Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Эгамбердиев Фахриддин Панжиевич

Кеш воҳаси илк ўрта асрлар даври қишлоқлари тарихи ва маданияти.....5

Эгамбердиев Фахриддин Панжиевич

История и культура сельских поселений ранне средне векового
Кешского оазиса..... 31

Эгамбердиев Фахриддин Панжиевич

History and culture of the first medieval villages of the Kesh oasis..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 63

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/27.02.2021.Tar.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭГАМБЕРДИЕВ ФАХРИДДИН ПАНЖИЕВИЧ

**КЕШ ВОҲАСИ ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ҚИШЛОҚЛАРИ
ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертациясини мавзуен Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 3021.4.PhD/Tag.347.рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетинда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.qarshidu.uz) ҳамда "Ziyouet" ахборот-таълим портали (www.ziyouet.uz) мағзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Раимкулов Абдусабур Атамович
тарих фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Қобулов Эшболта Атамуродович
тарих фанлари доктори, профессор

Худойкулов Тулқин Дустбабоевич
тарих фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация химояси Қарши давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2021.Tag.70.05 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил 25 08 куни соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17-уй. Тел: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.ru). Қарши давлат университети.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 40 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17-уй. Тел: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил 12 08 куни тарқатилди (2022 йил 12 08 даги 13 - рақамли реестр баённомаси билан).



Б.Ж.Эшов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор

Н.Н.Ражабова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
т.ф.н., доцент

Ю.А.Эргашева
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тарихшунослигида инсон жамоа бўлиб ўзлаштирган ҳудудларни, уларни бирлаштирган қадимий маконларни тарихий-географик ёндашувлар доирасида ўрганиш дунё илм-фанида доимий қўлланиб келинган усуллардан бири ҳисобланади. Зеро, мазкур ёндашувлар доирасида маълум ҳудуднинг тарихий топографияси, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий хусусиятларини, ўша ҳудуд аҳолисининг хўжалиги, диний ва дунёвий қарашлари ва антропоген ландшафт ривожланишини тизимли равишда ўрганиш тарихий жараёнларни холисона ёритиш имконини беради.

Жаҳон замонавий тарихшунослигида Суғддаги давлатлар таркибидаги маданий воҳаларнинг тарихий-географик жойлашуви ва халқаро муносабатларини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Зеро, сўнгги антик даврда Кушонлар давлатининг қулашидан сўнг, Марказий Осиё Араб халифалиги таркибига киргунига қадар Суғддаги давлатлар Эфталийлар давлати ва Турк ҳоконлиги тасарруфида бўлиб, Сосонийлар давлати, Византия, Хитой империяси каби йирик сиёсий тузилмаларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муносабатларида муҳим ўрин эгаллаб келган. Шу сабабли, Суғднинг маъмурий-ҳудудий бирликларининг ҳудуди, тарихий географияси, маданий алоқаларини тадқиқ этиш, Марказий Осиё халқларининг илк ўрта асрдаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихига оид масалаларини ёритиш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида халқимизнинг кўп асрлик бой моддий ва маданий меросини асраш, тадқиқотларни тубдан яхшилаш, илмий изланишлар усулларини такомиллаштириш, тарих фанларнинг замонавий тадқиқот услубларини манбашунослик ва тарихшунослик изланишларига кенг жорий қилиш борасида кўплаб амалий ишлар бажарилди. Шундан келиб чиққан ҳолда, Кеш мулклиги сифатида эътироф этилган ҳудуднинг илк ўрта асрлар даври қишлоқлари маданиятини замонавий тадқиқот усуллари қўлланган ҳолда ўрганиш ва бу орқали унинг тарихий географияси, моддий маданияти, хўжалиги, маиший, маданий ҳаёти масалаларини кўрсатиб беришлар усули олдимизга қўйилган диссертациянинг долзарблигини белгилайди.

Мазкур тадқиқотнинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4068-сонли “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

Қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технология ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатнинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Ўрта Осиёда илк ўрта асрлар қишлоқлари тарихини ўрганиш XIX асрнинг сўнгги чорагидан бошланиб ҳозирги давримизгача тадқиқотлар давом эттирилган. Кеш воҳасида узок йиллар давомида изчил олиб борилган археологик қазишмаларни таҳлил этиш асосида ушбу тадқиқотлар тарихини қуйидаги уч даврга ажратиш мумкин: 1). XIX асрнинг сўнгги чораги – XX асрнинг 20-йиллари тадқиқотлари. 2). Совет ҳокимияти ҳукмронлиги даври археологик тадқиқотлари. 3). XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги – XXI аср бошларида амалга оширилган тадқиқотлари.

XIX асрнинг сўнгги чораги – XX асрнинг 20-йиллари тадқиқотлари Ўрта Осиё ҳудудида Россия империяси ҳукмронлигининг ўрнатилиши, мустақамланиши, иқтисодий ва сиёсий манфаатлар билан боғлиқ равишда, қолаверса, империяда қадимги давр ашёларини йиғувчи-коллекционерларнинг Туркистон ўлкасидаги фаол хатти-ҳаракатлари жараёнларида кечди. Кеш воҳасида археологик кузатув ва қазишмаларнинг йўлга қўйилишида 1895 йилда ташкил этилган¹ ҳамда 1917 йилга қадар фаолият кўрсатган Туркистон Археология Ҳаваскорлари Тўғараги (ТАҲТ-ТКЛА) катта аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, тўгарак ташаббуси билан воҳада жойлашган археологик ёдгорликлар хусусида дастлаб рус зобити, ҳаваскор рассом, қадимшунос ва шарқшунос Б.Литвиновнинг кузатишлари натижасида 1908 йилда чоп этилган кичик хабарнома Қарши шаҳри яқинида жойлашган, маҳаллий аҳоли томонидан Шуллуктепа деб номланган тепалик воҳадаги энг йирик археологик ёдгорлик эканлигини таъкидлайди². 1916 йилдан бошлаб ТАҲТ аъзоси И.А.Кастанъенинг воҳадаги археологик ёдгорликларни ўрганиш юзасидан фаолияти бошланди. И.А.Кастанъе илк бор антик давр манбаларида тилга олинган Наутака замонавий Қарши шаҳри яқинида жойлашганлигини таъкидлаб ўтади³. Ушбу кузатув ва изланишлар Кеш воҳасининг қадимги ҳамда илк ўрта асрлар даври тарихига доир кейинги тадқиқотларда катта аҳамиятга эга бўлди.

Совет ҳокимияти ҳукмронлиги даври археологик тадқиқотларини Совет ҳокимияти ўрнатилганидан то иккинчи Жаҳон урушига қадар, ҳамда Иккинчи Жаҳон урушидан кейин – XX аср 90-йилларигача бўлган даврни икки босқичга ажратиш мумкин.

¹ Открытие Туркестанского кружка любителей археологии 11 декабря 1985 года. – Ташкент: Типо-литография бр. Порцевых, 1895. – С.13.

² Литвинов Б. Заметки о Карши. Братская помощь. Иллюстрированный военно-общественный журнал. – Ташкент, 1908. – С. 84.

³ Кастанъе И.А. Археологическая разведка в западных частях Бухары// ПТКЛА. – Ташкент, 1917. Вып 4. – С. 26-30.

Биринчи босқич археологиянинг тарих фани асосий соҳаларидан бирига айланиши ҳамда тадқиқотлар амалга оширишнинг янги усул ва услубларининг шаклланиши билан тавсифланади.

В.Л.Вяткин қўл остида 1912 йилдан Афросиёбда ўз тадқиқотларини бошлаган ҳамда 1919 йилдан доимий равишда қазишмаларда иштирок этган М.Е.Массон фаолияти билан Ўрта Осиё археологиясининг алоҳида илмий йўналиш сифатидаги тараққиёти бошланади.

1926 йилда Қашқадарё (Жанубий Суғд) воҳасида тарихий-топографик кузатувларни амалга ошириш мақсадида А.Ю.Якубовский айрим ёдгорликларда археологик кузатув ишларини ҳам олиб борди⁴. Қадимги ва ўрта асрлар даврида қарвон йўлларининг ривожланиши ҳамда воҳани кўшни ҳудудлар билан боғловчи йўллар муаммоси М.Е.Массоннинг қарвон йўлларидаги иншоотларнинг ўрганилишига доир изланишларида ўз аксини топди⁵. 1936 йилда археолог С.К.Кабанов воҳада дастлабки кузатув изланишларини амалга оширди⁶.

Суғднинг, жумладан Жанубий Суғднинг илк ўрта асрлар даври тарихини ўрганишда хорижлик мутахассисларнинг тадқиқотлари ҳам диққатга сазавордир. Марказий Осиёнинг турлича ҳудудларидан тадқиқотчилар А.Стейн, П.Пельо, С.Ольденбург томонидан топилган хитой, суғдий, туркий ҳужжатлари катта роль ўйнайди. Бу манбалар К.Залеман, Ф.В.К.Мюллер, Р.Готье, Ф.А.Розенберг, Х.Райхельт томонидан ўрганилган. 1933 йил Ф.В.К.Мюллер ва В.Ленц, 1937-1938 йилларда Ф.Вальтер, 1940 йилда Э.Валдшмидт ва В.Ленц, Э.Бенвенист ва В.Б. Хеннинг суғд матнларини (матнлар буддавий, сурёний, насроний, моний дуолар матнларидан тузилган) нашр этдилар. XX асрнинг 60-70 йилларида В.Зундерман Ф.В.К.Мюллер ва К.Г.Залеман тадқиқотларини қайта таҳлил қилиб, Берлин фондларида сақланаётган суғд матнларини янгидан нашр эттирди. Бу даврда О.Хансен, М.Бойс, Н.Рагоза диний сутраларни тўлиқ хусусиятларини ишлаб чиқдилар. Суғд ва турк тилидаги ҳужжатлар россиялик лингвистлар В.А.Лившиц, С.Г. Кляшторний, П.Б.Лурье томонидан тадқиқ этилган. Кейинги йилларда Ўрта Осиё тарихига бағишланган суғд ҳужжатлари М.М. Исҳоқов, хитой манбалари А.Хўжаев томонидан ўрганилиши борасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда⁷.

Қазишмалар натижасида қишлоқ маконлари жойлашув географияси, меъморий ечимлари, қазишмалар даврида топилган археологик топилмаларнинг хусусиятларига кўра илк ўрта асрлар даврининг қишлоқлар қурилиши усуллари, илк ўрта асрлар қишлоқларининг ички тузилиши, қишлоқ аҳолисининг ижтимоий табақаланиши, диний ва дунёвий қарашлари, моддий ва маънавий маданияти тўғрисида бой маълумотлар ва ишончли илмий ҳулосалар олинган. Воҳадаги ёдгорликларга доир тизимли археологик

⁴Якубовский А.Ю. ГАИМК-ИИМК и археологические изучения Средней Азии за 20 лет // КСИИМК. – Москва – Ленинград, 1940. Вып. VI. – С.16-17.

⁵Массон М.Е. Проблема изучения цистерн-сардоб // Тр. САГУ. – Ташкент, 1935. – С. 23-24.

⁶Кабанов С.К. Нашеб на рубеже древности и средневековья (III-VII вв.). –Ташкент, 1977.

⁷Диссертациянинг биринчи бобида тўлиқ берилган.

тадқиқотлар 1946 йилдан бошланди⁸. 1946 йил кузида Амударё экспедицияси аъзолари А.И.Тереножкин ва Л.И.Альбаум томонидан Қуйи Қашқадарё худудидаги бир қатор ёдгорликларда кузатувлар амалга оширилди⁹. 1948 йилда Б.Я.Ставискийнинг воҳа худуди Суғднинг таркибий қисми бўлганлиги ҳақидаги мақоласининг эълон қилиниши¹⁰ ва ушбу мақола туфайли вужудга келган мунозаралар¹¹ кенг миқёсли археологик тадқиқотлар олиб борилишига туртки бўлди.

1963 йилда М.Е.Массон раҳбарлигидаги Кеш археологик-топографик экспедицияси (КАТЭ)нинг ташкил этилиши¹² воҳанинг шарқий, яъни илк ўрта асрлар даври Кеш мулклиги ҳудудларида кенг кўламли тадқиқотларни амалга оширишга туртки берди. Нумизматика, тарихий топография ва кончилик тарихига доир изчил тадқиқотларни амалга ошириш экспедиция томонидан бажарилиши лозим бўлган асосий йўналишлар сифатида белгилаб олинди¹³. XX асрнинг 70-йиллари ўрталаридан археологик тадқиқотларнинг янги босқичи бошланди. Кеш воҳасидаги урбанизация жараёнлари ва ёдгорликларнинг шаклланиши масалаларини тадқиқ этиш¹⁴ белгилаб олинди. 1981-1984 йилларда экспедициянинг Н.И.Крашенинникова раҳбарлигидаги гуруҳи Шўробсойнинг ўрта оқимидаги ёдгорликлар тадқиқ этилди¹⁵. Кейинги тадқиқотлар давомида Қашқадарёнинг ўнг қирғоғида, дастлабки манбаларини Зарафшон тизмаларидан олувчи Қоратош-чашма ҳавзасида ўзлаштирилган деҳқончилик воҳаси ҳам тадқиқ этилди¹⁶. Ушбу ҳавзалардаги ёдгорликларни тадқиқ этиш асосида Г.Я.Дресвянская деҳқончилик воҳаларининг асосий қисми айнан илк ўрта асрлар даврида ўзлаштирилганлигини қайд этди¹⁷.

XX асрнинг сўнги ўн йиллиги – XXI аср бошларида амалга оширилган тадқиқотлар турли қўшма археологик экспедицияларнинг фаолияти билан ҳам изоҳланади. Жумладан, воҳанинг шарқий қисмида археологик тадқиқотларни амалга ошириш мақсадида 1997 йилда ТошДУ Археология ва этнография кафедраси, Шаҳрисабз шаҳар Амир Темур музейи ва ЎзР ФА Археология

⁸Кабанов С.К. Нахшеб на рубеже древности и средневековья (III-VII вв.). – Ташкент, 1977. – С.37.

⁹Тереножкин А.И. Археологическая рекогносцировка в западной части Узбекистана // ВДИ. – М., 1947. – №2. – С. 6-13.

¹⁰Ставиский Б.Я. Некоторые вопросы истории и топографии Древнего Согда // Вестник Ленинградского университета. – Ленинград, 1948. №3. – С. 128-136.

¹¹Изоҳ: Тадқиқотчи мулоҳазаларининг В.М.Массон томонидан қатъий рад этилиши бу мунозараларни бошлаб берган эди. Қаранг: Массон В.М. К локализации Согда // Тр. САГУ. Археология Средней Азии. – Ташкент, 1950. – С. 171-178.

¹²Тереножкин А.И. Археологическая рекогносцировка в западной части Узбекистана // ВДИ. – М., 1947. – №2. – С. 6-13.

¹³Ражабова Н.Н. Становление и развитие археологической школы в Узбекистане (Историография изучения археологических памятников долины Кашкадарьи). – Тошкент, «Yanginashr», 2012. – С. 95-96.

¹⁴Ражабова Н.Н. История изучения археологических памятников долины Кашкадарьи. Автореф. дисс... канд.ист.наук. – Ташкент, 2007. – С. 18.

¹⁵Крашенинникова Н.И. Восточные районы области Кеша в раннем средневековье // Раннесредневековая культура Средней Азии и Казахстана. – Душанбе: Дониш, 1977. – С. 71-72.

¹⁶Крашенинникова Н., Пардаев М. Шимолий Кеш археология ёдгорликларининг ўрганилиши хусусида // Суғд Марказий Осиёнинг маданий алоқалари тизимида. – Самарқанд, 1999. – Б. 49-50.

¹⁷Дресвянская Г.Я. Раннесредневековые города и поселения восточной части Южного Согда // Городская среда и культура Бактрии-Тохаристана и Согда. – Ташкент: Фан, 1986. – С. 37-38.

институтини ҳамкорлигида археологик экспедиция ташкил этилди¹⁸. Экспедиция олиб борган кенг қамровли тадқиқотлар натижасида Шаҳрисабз (Кеш) шаҳрининг шаклланиши милоддан аввалги VIII асрга бориб тақалиши аниқланди¹⁹ ҳамда шаҳарнинг 2700 йиллиги 2002 йилнинг ноябрида халқаро миқёсда нишонланди. 2000 йилдан бошлаб ЎЗМУ археология кафедраси, ЎЗР ФА археология отряди ва Беркли университети (АҚШ) томонидан янги техник воситаларни қўллаш ва қозишма ишларини олиб бориш орқали археологик ёдгорликлар мажмуини тузиш бўйича ҳамкорликда тадқиқотлар²⁰ олиб борилди.

Кеш воҳаси ҳудудидаги археологик ёдгорликларини ҳисобга олиш борасидаги тадқиқотлар ЎЗР ФА Археологик тадқиқотлар институтининг А.А.Раимқулов бошлиқ гуруҳи томонидан амалга оширилди. 2012 йилда Яккабоғ тумани, 2013 йилда Шаҳрисабз тумани, 2014 йилда эса Китоб тумани археологик ёдгорликлари ҳисобга олинди. 2015-2016 йилларда Ғузур ва Чирокчи туманларида ҳам археологик қидирув ишлари давом эттирилди ва бу тадқиқотларда ушбу диссертация муаллифи иштирок этди²¹.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ЎЗР ФА Археологик тадқиқотлар институтининг №А1-ФА-0-17607 “Қашқадарё воҳаси маданиятининг ривожланиш босқичлари ва суғорилиш тарихи (қадимда ва ўрта асрларда)” (2012-2014 йй), №ФА-А1-Г012 “Қашқадарё воҳасининг қадимги ва ўрта асрлар даври тарихий топографияси (ёзма ва археологик манбалар асосида)” (2015-2017 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Кеш воҳаси илк ўрта аср қишлоқ маконларининг шаклланиш жараёнлари, ички тузилиши ва меъморий хусусиятлари, қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи ва маданияти, хўжалик турлари масалаларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Кеш воҳаси қишлоқ маконлари ҳақидаги манбашунослик маълумотларини, XX асрнинг иккинчи ярмидан бугунги кунга қадар амалга оширилган археологик тадқиқотлар натижаларини илмий таҳлил қилиш;

Кеш воҳасида илк ўрта асрлар даври қишлоқ маконларининг шаклланиш ва ривожланиш динамикасини очиб бериш;

¹⁸Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 8.

¹⁹ Шаҳрисабз. Минг йиллар мероси / Альбом. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 164.

²⁰ Шу асар. – Б. 158.

²¹ Раимқулов А.А., Суёнов С.С., Саидов М.М., Ражабов А.Ю. Ўзбекистоннинг археологик ёдгорликлари каталоги. 5 том. Қашқадарё вилояти. 1-қисм. Яккабоғ тумани. – Самарқанд, 2013; Раимқулов А.А., Нуриддинов Ҳ.Н., Эгамбердиев Ф.П., Тошев А.Я., Олимов У.Н. Ғузур туманида 2015 йилда олиб борилган археологик қидирувлар. Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. 2015-2017 йиллар. 11-сон. – Самарқанд, 2018. – Б. 203-210; Раимқулов А.А., Эгамбердиев Ф.П., Тошев А.Я., Олимов У.Н. Чирокчи туманида 2016 йилда олиб борилган археологик қидирувлар. Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. 2015-2017 йиллар. 11-сон. – Самарқанд, 2018. – Б. 211-218; Раимқулов А.А. Яккабоғ туманида 2017 йилда олиб борилган археологик қидирувлар ва Муқанна қалъаси муаммоси. Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. 2015-2017 йиллар. 11-сон. – Самарқанд, 2018. – Б. 219-224.

Яккабоғ, Шахрисабз, Китоб, Чирокчи ва Қамаши туманлари археологик ёдгорликларни ҳисобга олиш жараёнида олинган маълумотлар асосида Кеш воҳаси илк ўрта асрлар даври ёдгорликларининг топографик ва типологик классификациясини ишлаб чиқиш;

Қишлоқ манзиллари қазиб ўрганилган илк ўрта асрлар қишлоғининг меъморий қолдиқлари асосида Кеш воҳаси қишлоқлари меъморий хусусиятлари, қурилиши усуллари, қурилиш хом ашёси ва ички тузилишини таҳлил этиш;

Кеш воҳасининг илк ўрта асрлар даври қишлоқлари аҳолисининг машғулотлари, урф-одатлари ва ижтимоий қарашларини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Кеш воҳаси илк ўрта асрлар даври қишлоқлари тарихи ва маданияти танланган.

Тадқиқотнинг предметини илк ўрта асрлар даври Кеш воҳаси қишлоқлари меъморичилиги, моддий маданияти намуналари, қишлоқ маконларининг топографик, типологик хусусиятлари, аҳолининг кундалик турмуш тарзи масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда масала тарихшунослигини ўрганиш ва таҳлил қилиш, муаммони ёритишда тарихий, хронологик изчиллик, муаммовий-худудий ёндашув, тарихий-археологик ва ёзма манбалар маълумотларини умумлаштириш ва қиёсий, тизимли таҳлил, мавзу бўйича илмий қарашлар ва концепцияларни қиёслаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

- Кешнинг хионийлар, кидарийлар, эфталийлар ва Турк хоқонлиги, кейинроқ эса Араб ҳалифалиги таркибида бўлиши воҳадаги илк ўрта аср қишлоқлари маданиятига сезиларли таъсир кўрсатганлиги далилланган;

- Кеш воҳаси илк ўрта асрларда қишлоқлар жойлашувининг схематик тузилиши, хўжалик ҳаётининг ўтроқ дехқончилик ва ярим кўчманчиликка асосланган чорвачиликка хос асосий хусусиятлари ҳамда моддий маданияти, меъморичилигида хом ғиштдан маълум бир стандартга эга бўлган ўлчамлар асосида қурилиш олиб борилганлиги Яккабоғ туманидаги Тўрткўлтпепа, Саркобтепаларнинг қишлоқ ҳаёти мисолида далилланган;

- Кеш воҳасига илк ўрта асрларда қуйи Сирдарёдан “Жетиасар” маданиятининг кириб келганлиги ва маҳаллий аҳоли маданиятига моддий ва маънавий таъсир кўрсатганлиги аниқланган;

- Кеш воҳасининг илк ўрта асрлар даври қишлоқларининг маданиятини акс эттирувчи қишлоқларининг умумий сўғд маданиятига хос турар жой қолдиқлари, уларнинг ички тузилиши, хоналарнинг қурилиш услублари, шинам ва кўркама меъморий қурилишлар тарихи очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат бўлади:

Ўзбекистон тарихининг илк ва ривожланган ўрта асрлар даври жанубий вилоятларидаги урбанизация жараёнлари тарих, археология, манбашунослик, нумизматика, тарихий география каби йўналишлар кесимида амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Жанубий Суғд ҳудудларида бутун илк ўрта асрлар давомида бўлиб ўтган урбанизация жараёнлари қиёсий ўрганилиб, бу даврга оид илмий

адабиётлардаги мавжуд маълумотлар тизимлаштирилган, кам ўрганилган жиҳатлари (тарихий топономика, тарихий география, қишлоқларнинг вазифалари ва ҳ.к) бўйича хулосалар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда тарих ва тарихшунослик фанида тан олинган ёндашув ҳамда усуллар қўлланилганлиги, кўп турдаги тарихий-илмий адабиётлардан фойдаланилганлиги, асосий тарихий манбалар ҳамда маълумотларнинг тизимлаштирилганлиги ва умумлаштирилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк ўрта асрлар Жанубий Суғднинг Кеш воҳаси қишлоқларининг шаклланиши, ривожланиши ва ўзига хос хусусиятларининг тарихий-қиёсий, муаммоли-хронологик усуллар ҳамда объективлик тамойили асосида тузилмавий-тизимли таҳлил асосида ётганлиги туфайли уларнинг мазкур муаммога оид назарий хулосаларни мукамаллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кеш воҳаси илк ўрта асрлар даври қишлоқлари тарихи ва маданияти мавзусига доир олинган илмий натижалар ва амалий таклифлардан:

мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида макон ва қишлоқлардан бошланган тарихимизни ўрганиш, уларнинг топографик жойлашуви ва ривожланиш босқичларини тизимлаштириш, хусусан, археологик ёдгорликларни ўрганиш, асраш, улардан фойдаланиш, оммалаштириш бўйича ечим топишда 2012-2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археологик тадқиқотлар институтида бажарилган “Қашқадарё воҳаси маданиятининг ривожланиш босқичлари ва суғорилиш тарихи (қадимда ва ўрта асрларда)” (шифри: А1-ФА-0-17607); 2015-2017 йилларда бажарилган “Қашқадарё воҳасининг қадимги ва ўрта асрлар даври тарихий топографияси (ёзма ва археологик манбалар асосида)” (шифри: ФА-А1-Г012) мавзусидаги амалий тадқиқотлар дастурлари лойиҳаларида фойдаланилган. (Миллий археология марказининг 2020 йил 30 ноябрдаги 284-сон маълумотномаси). Натижада Қашқадарё вилояти туманларида археологик ёдгорликларни рўйхатга олиш ва уларнинг тарихини ёритиш имконини берган;

илк ўрта асрлар қишлоқлари тарихини ёритиш ва ўрганиш бўйича амалга оширилган изланишлар асосида йиғилган маълумотлардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O'zbekiston tarixi” телеканалининг 2020 йил 22 апрелда эфирга берилган “Ўзбекистон Ипак йўлларида” кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 12 октябрдаги 02-40-954-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши аҳоли ва турар жойларнинг тараққий этиб бориш жараёни бўйича аниқ хулосалар чиқариш имконини берган;

Кеш воҳаси илк ўрта асрларда қишлоқлар жойлашувининг схематик тузилиши, турмуш тарзи, хужалик ҳаётининг асосий хусусиятлари ҳамда моддий маданияти, меъморчилиги турлари, қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи, диний ва дунёвий қарашлари тарихи Яккабоғ туманидаги Тўртқўлтпепа, Саркобтепаларнинг қишлоқ ҳаёти ҳақида маълумот берувчи артефактлар сифатида Қашқадарё тарихи ва маданияти давлат музейи ва Шаҳрисабз давлат музей-қўриқхонаси фонди материалларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлигининг 2022 йил 8 январдаги 01-12/54-сон маълумотномаси). Натижада ушбу асори атиқалар орқали қишлоқлар тарихини кенг жамоатчиликка етказиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотлар натижалари илмий-амалий ва илмий-назарий конференцияларда, шу жумладан 7 та республика конференция ва семинарларда ўз аксини топган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 5 та мақола, хорижий журналлар 3 та, халқаро конференцияларда 3 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 127 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган, тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кеш воҳасида илк ўрта асрлар қишлоқлари вужудга келиши жараёни манбашунослиги ва тарихшунослиги”** деб номланган биринчи бобида Кеш воҳаси илк ўрта асрлар тарихи манбалари ва воҳада олиб борилган археологик тадқиқотлар тарихшунослиги баён этилган.

Биринчи бобнинг биринчи параграфи **“Кеш воҳаси тарихига доир манбалар тавсифи”** деб номланади. Даставвал воҳанинг қадимги аҳолисига юксак ривожланган суғориш тизимлари ва деҳқончилик маданияти яратишга имкон берган қулай географик ва иқлим шароити батафсил таҳлил қилинган. Кеш воҳасининг қадимийлиги ва Ўрта Осиё тарихида муҳим ўрин эгаллаганлиги туфайли, унинг тарихи ҳақидаги маълумотларни турли даврларда ёзилган манбаларда учратиш мумкин. Кейинги даврда яратилган тарихий, географик ва бошқа асарларнинг баъзиларидагина бу воҳа ҳақида бир неча тавсифлар берилган.

Кеш воҳаси тарихининг манбашунослик асоси унчалик бой эмас. Шунга қарамасдан вилоят тарихига оид айрим маълумотлар Суғд билан биргаликда “Авесто”да тилга олинади. Суғд ва унга қўшни бўлган мамлакатлар тарихига оид бошқа манбалар хитойликларнинг “Бей ши” (V аср), “Суй шу” (VII аср бошлари) ва “Тан шу” (621-907 йй.) манбаларидир²².

Кеш тарихига оид маълумотлар акс этган манбалардан бири Абу Жафар Муҳаммад ибн Жарир ат Табарий (839-923)нинг “Тарихи ар-русул ва-л-мулк” (Тарихи Табарий) асари бўлиб, жумладан, VII-IX асрлар тарихини ўз ичига олади. Ушбу манбаларда Кешнинг 669-702 йилларда араб қўшинларига матонат билан қаршилик кўрсатгани, 709-710 йилда Кешнинг араблар томонидан забт этилгани, Абу Муслим (тахминан 727-755 йиллар) ҳаракатида (747-750 йиллар) муҳим ўрин эгаллагани, Кеш ҳукмдори деҳқон Ихрит 746-747 йилларда Абу Муслимга қарши жангги, 777-778 йилларда Муқанна қўзғалони жараёнлари баён этилган.²³

Абу Зойд Балхий, Истаҳрий ва Ибн Ҳавқал ижоди махсули “Китоб ул-масолик ва-л-мамолик”да воҳанинг IX-X асрлар тарихи, “Худуд-ул олам”да X аср воқеалари, Абу Бакр Муҳаммад Ибн Жафар Наршахийнинг (899-959) “Бухоро тарихи”да (943-944), X аср Абу Райхон Берунийнинг “Қонуни Маъсудий”да, Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъонийнинг (1113-1167) “Китоб ул-ансоб”да ва кейинги даврда яратилган Ёқут Ҳамавийнинг (1179-1229) “Мўжам ул-булдон” асарларида ва Темурийлар даври муаррихлари асарларида ҳам воҳа тарихига оид маълумотлар учрайди.

Суғднинг, жумладан Жанубий Суғднинг илк ўрта асрлар даври тарихини ўрганишда Марказий Осиёнинг турлича ҳудудларидан А.Стейн²⁴, П.Пельо²⁵, С.Ольденбург²⁶ томонидан топилган хитой, суғдий, туркий ҳужжатлар катта рол ўйнайди. Бу манбалар К.Залеман²⁷, Ф.В.К.Мюллер²⁸, Р.Готье²⁹, Ф.А.Розенберг³⁰, Х.Райхельт³¹ томонидан ўрганилган.

1933 йилда Ф.В.К.Мюллер ва В.Ленц³², 1937-1938 йилларда Ф.Вальтер³³, 1940 йилда Э.Валдшмидт ва В.Ленц³⁴, Э.Бенвенист ва В.Б.Хеннинг³⁵ суғд

²²Иакинф О. История о народахъ, обитвшихъ въ Средней Азии въ древнія времена. Съ картою на трехъ большихъ листахъ. Сочиненіе. Въ трехъ частяхъ. – Санкт-петербургъ, 1851.

²³Шахрисабз-Минг йиллар мероси. – Тошкент: “Шарқ”, 2002. – Б. 148.

²⁴ Stein A.M. A journey of geographical and archaeological exploration in Chinese Turkestan. – London: Geographical society, 1902. – P. 36.

²⁵ Pelliot P. Le “Cha-tcheo tou king” et la colonie sogdienne de la region du Lob-nor // JA (Journal of Asiatica), 1916. XI serie, vol. VII. – P. 115.

²⁶Ольденбург С.Ф. Кашгарская рукопись И.Ф.Петровского. – Санкт-Петербург, 1892. – С. 2; Уша муаллиф. Экспедиция Д.А. Клеменца в Турфан в 1898 г. – Иркутск, 1917. – С. 13.

²⁷Краткая грамматика ново-персидского языка. С приложениями метрики и библиографии / Составитель К.Г.Залеман и В.А.Жуковский. – СПб, 1890. – С. 100; Saleman K. Manichaesa. I. //Изв. Имп. АН. – Санкт-Петербург, 1907. – №7. Вып. II. и др.

²⁸Muller F.W.K. Neutestamentliche Bruchstucke in Soghdischen Sprache // SPAW. 1907. T.XXIV. – P. 140-157; Muller F.W.K. Soghdiche texte I. – Berlin, 1913. – P. 111-128.

²⁹ Gauthiot R. De l’alphabet sogdien // JA. X serie, 1912. – P. 37-45; Gauthiot R. Le Sutra du religieux ongles-longs. – MSL, 1912. – P. 210-221.

³⁰Согдийские фрагменты Азиатского Музея ИВ АН СССР // Публ., перевод и комм. А.Н.Рагоза. – М., 1983. – С. 32.

³¹ Reichelt H. Soghdischen handschriftenreste des Britischen Museums. Die buddhistische texts. – Heidelberg, 1928. – P. 15-22; Reichelt H. Die Soghdischen handschriftenreste. I. – Heidelberg, 1931. – P. 33-56.

³²Muller F.W.K., Lentz W. Soghdischen texte. I. // SPAW. T. XXI. 1934. – P. 53-77.

матнларини (матнлар буддавий, сурёний, насроний, моний дуолар матнларидан тузилган) нашр этдилар.

XX асрнинг 60-70 йилларда В.Зундерман Ф.В.К.Мюллер ва К.Г.Залеман тадқиқотларини қайта таҳлил қилиб, Берлин фондларида сақланаётган суғд матнларини янгидан нашр эттирди³⁶. Бу даврда О.Хансен, М.Бойс, Н.Рагоза диний сутраларни тўлиқ хусусиятларини ишлаб чиқдилар³⁷.

Суғд ва турк тилидаги хужжатлар россиялик лингвистлар В.А.Лившиц, С.Г.Кляшторный³⁸. П.Б.Лурье³⁹ томонидан тадқиқ этилган.

Кейинги йилларда Ўрта Осиё тарихига бағишланган Суғд хужжатларини М.М.Исҳоқов⁴⁰, томонидан хитой манбалари А.Хўжаев⁴¹ томонидан ўрганиш борасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди.

Жанубий Суғд антик даври турар жойлари М.Ҳасанов томонидан ўрганилганган⁴².

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи **“Илк ўрта асрлар Кеш воҳаси қишлоқ манзиллари тадқиқотлари тарихишунослиги”** деб номланади. Кеш воҳасида узоқ йиллар давомида изчил олиб борилган археологик казишмаларни таҳлил этиш асосида ушбу тадқиқотлар тарихини куйидаги уч босқичга ажратиш мумкин: 1). XIX асрнинг сўнгги чораги – XX асрнинг 20-йиллари тадқиқотлари. 2). Совет ҳокимияти ҳукмронлиги даври археологик тадқиқотлари. 3). XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги – XXI аср бошларида амалга оширилган тадқиқотлари.

Биринчи босқичда XIX аср охири, XX аср бошларида Қашқадарё воҳасига ташриф буюрган тадқиқотчилар, жумладан, табиатшунос А.Л.Кун,

³³ Welter F. Bemerkungen zum soghdischen Dhyana-texte// Monumenta Serica. II.-1937. Vol. II. – P. 341-404.

³⁴ Waldschmidt E., Lentz W. Manichäische Dogmatik aus Chinesischen und iranischen texten// SPAW. 1933.

³⁵ Benveniste E. Textes Sogdies. – Paris, 1940. – P. 280; Henning W.B. Sogdica.-London, 1940. – P. 53.

³⁶ Sunderman W. Nachlese zu F.W.K. Muller// Soghdischen texten. I. AOF.III. – Berlin. – P. 20-41; 1975. – P. 24-51.

³⁷ Hansen O. Die buddhistische und christliche literature. – Berlin, 1968; Boyce M. A catalogue of the Iranian manuscripts in Manichean script in the German Turfan collection. – Berlin, 1960. - P. 280; Рагоза А.Н. Согдийские фрагменты Самгхасутры в рукописном собрании ЛО ИВ АН СССР. – М., 1970. – С. 21.

³⁸Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута// СНВ. – М., 1971. Вып. X. – С. 121-147; Лившиц В.А. Новые находки согдийских письменных памятников / Сборник. – М.: Наука, 1986. – С. 320; Лившиц В.А. Согдийцы в Семиречье: лингвистические и эпиграфические свидетельства// К С XV годичной научной сессии ЛО ИВ АН. – М., 1981. – С. 15-17.; Кляшторный С.Г Древнетюркские рунические памятники, как источник по истории Средней Азии. – М., «Наука», 1964. – С. 215; Уша муаллиф. Рунические памятники Таласской долины. Из истории и археологии древнего Тянь-Шаня. – Бишкек, 1995. – С. 154-160.

³⁹ Лурье П.Б. Согдийские документы из раскопок раннесредневекового Мартшката. Индоевропейское языкознание и классическая филология – XVI. СПб, 2012. – С. 433-460.

⁴⁰Исҳоқов М.М. Суғдиёна тарих чорраҳасида.-Тошкент: Фан,1990. – Б. 34; Ўша муаллиф. Суғд ёзувининг шаклланиши ва тараққиёти масалалари // Ўлмас обидалар. – Тошкент, 1989. – Б. 4-41; Ўша муаллиф. Некоторые вопросы палеографического изучения согдийских письменных памятников// Адабий мерос. – Тошкент, 1987. 1-сон. – С. 26-31.

⁴¹Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар (Қадимий ва илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар) – Тошкент, 2013; Ўша муаллиф. Марказий Осиё халқлари тарихига оид маълумотлар (Қадимий ҳамда илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржима ва тадқиқотлар). – Тошкент, 2015. Ўша муаллиф. Буюк Ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Тошкент: ЎзМЭ, 2007;Ўша муаллиф. Сведения древних китайских источников о городах-государствах Ферганы (Дайюань) // Буюк ипак йўли ва Фарғона водийси: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент, 2004. – С. 60-68; Ўша муаллиф. О сведениях древнекитайских источников о государстве Фергана (Дайюань) // История Узбекистана в археологических и письменных источниках: Материалы научной конференции, посвященной 70-летию Акад. А. Аскарлова. – Ташкент: 2005. – С. 160-165.

⁴²Ҳасанов М., Античные селская помешения Южного Согда. Автореф.дисс.кан.ист.наук. – Самарканд,1990.

Туркистон ҳаваскор археологлар тўғарага аъзолари Б.Н.Литвинов, И.А.Кастанъеларнинг⁴³ Китоб ва Шаҳрисабзга саёҳатлари тавсифланади. Китоб ва Шаҳрисабз тарихига оид қизиқарли манбалар Н.Маев⁴⁴нинг сафар кайдномаларида мавжуд. Биринчи босқичдаги тадқиқотларнинг асосий хусусияти воҳанинг табиати ва иклими, шаҳарлар ҳаёти, Чим мудофаа девори ва айрим меъморий иншоотларнинг қайд этилишидан иборат. Бу кайдномаларда Кеш воҳаси илк ўрта аср қишлоқ археологик ёдгорликлари тўғрисида бирон-бир маълумот мавжуд эмас.

XX асрнинг 20-йилларида Бухоро амирлиги ағдарилгандан кейин Шаҳрисабзга тарихчилар, шарқшунослар, санъатшунослар, архитекторларнинг доимий ташрифлари жонланади. Бу даврда шаҳарга В.В.Бартольд, В.Л.Вяткин, И.И.Умняков, В.Н.Денике, А.Ю.Якубовский, В.Н.Засыпкин, М.Саиджанов, М.Ф.Мауэр ва бошқа олимлар келганлар⁴⁵. Шу даврдан бошлаб Шаҳрисабзнинг меъморий обидалари тўғрисида илк талқиқотлар пайдо бўлди. Бу тадқиқотларнинг барчаси кузатув хусусиятига эга эди.

Иккинчи босқични Кеш воҳасининг меъморий ва археологик ёдгорликларининг махсус ўрганилиши даври деб таърифлаш мумкин. 1926 йилда Қашқадарё воҳасида А.Ю.Якубовский бошчилигидаги тадқиқотлар гуруҳи иш олиб борди ва биринчи марта воҳанинг меъморий ва археологик ёдгорликлари махсус ўрганилди⁴⁶. Археологик ёдгорликлар 20-йилларнинг охирида Т.Мирғиёзов томонидан ҳам ўрганилган ва бу тадқиқотлар тўғрисидаги кейинроқ М.Е.Массон томонидан Қарши воҳасининг қарвон йўллари ўрганилаётганда маълумот берилган⁴⁷.

XX асрнинг 40-йилларида Шаҳрисабз ҳудудида М.Е.Массон бошчилигидаги архитекторлар ва археологлар гуруҳи ишлаган ва улар томонидан асосан темурийлар сулоласининг меъморий мероси ўрганилган⁴⁸.

Кеш воҳасининг қишлоқ маконларини ўрганиш 1955-1957 йилларда С.К.Кабанов томонидан, Чимқўрғон сув омбори ҳудудидаги Овултөпа ва Жангалтөпа ёдгорликларини қазилдан бошланган. Бу тадқиқотлар ўз тарихи билан Суғд ҳудудида бошқа учрамаган Овултөпанинг тўлиқ очилиши билан якунланди⁴⁹.

КАТЭ (Кеш археологик топографик экспедицияси)нинг ташкил этилиши билан Жанубий Суғд, айниқса, Кеш воҳасида узоқ йиллик археологик

⁴³Массон М.Е. Работы Кешской археолого-топографической экспедиции (КАТЭ) по изучении восточной половины Кешской области УзССР 1966 г. Археология Средней Азии. Сборник научных трудов ТашГУ, №533. – Ташкент, 1977. – С. 3-4.

⁴⁴ Маев Н. Очерки Бухарского ханства. – СПб, 1882. – С. 77-92.

⁴⁵Массон М.Е. Работы Кешской археолого-топографической экспедиции... – С. 5-6.

⁴⁶Якубовский А.Ю. ГАИМК-ИИМК и археологические изучения Средней Азии за 20 лет // КСИИМК. – Москва – Ленинград, 1940. Вып. VI. – С. 16-17.

⁴⁷Массон М.Е. Проблема изучения цистерн-сардоб // Тр. САГУ. – Ташкент, 1935. – С. 23-24.

⁴⁸Массон М.Е., Пугаченкова Г.А. Шахриябз при Тимуре и Улугбеке. Труды Среднеазиатского Государственного университета. Вып. XLIX. Археология Средней Азии. – Ташкент, 1953.

⁴⁹Кабанов С.К. Археологические памятники зоны Чимкурганского водохранилища. Известия АН УзССР” Серия общественных наук, 1957, – №2. – С. 75-83; Он же: Остатки древних поселений на берегу р. Кашкадарья // Изв. АН УзССР. – Ташкент, 1958. – №2. – С. 89; Он же: Культура сельских поселений Южного Согда III-VI вв. Ташкент, 1981. – С. 129.

тадқиқотлар бошланди⁵⁰. Воҳанинг шаҳар маданиятини ўрганиш борасида С.Б.Лунина томонидан Олтинтепа, Чандароктепа, Олтинбоштепа, Кишмиштепа каби ёдгорликларда тизимли археологик тадқиқотлар ўтказилди⁵¹. З.И.Усманова томонидан узоқ йиллар давомида ўрта асрлар Кеш-Шаҳрисабз шаҳрининг археологик мероси, унинг маданий қатламлари, муҳофаа деворлари ўрганилди⁵². Кейинроқ бу тадқиқотлар А.А.Раимқулов томонидан давом эттирилди⁵³. Илк ўрта асрлар даври қишлоқ маконларини ўрганиш Н.И.Крашенинникова томонидан Ҳисорак сув омбори ҳудудидаги Қоравултепа⁵⁴, Г.Я.Дресвянская томонидан Яккабоғ туманидаги Чечактепа⁵⁵, ҳамда илк ўрта асрлар даврига оид -археологик ёдгорликларни рўйхатга олиш борасида иш олиб борилди⁵⁶.

1985-1986 йилларда. А.А.Раимқулов ва М.Х.Исомиддиновлар томонидан Яккабоғ тумани Ўрта қишлоғида жойлашган қишлоқ макони Тўрткўлтепада кенг қамровдаги археологик қазилмалар ўтказилди⁵⁷. Икки дала мавсумида ушбу ноёб ёдгорликнинг жанубий ярми тўлалигича очиб ўрганилди.

Кеш воҳасида олиб борилган археологик қидирувлар маълумотларига кўра, фақат Яккабоғ, Шаҳрисабз ва Китоб туманлари ҳудудларида 600-700 дан ортиқ турлича даврларга оид археологик ёдгорликлар мавжуд⁵⁸ бўлиб, улардан 60-65 % да илк ўрта асрларга оид қатламлар ва материаллар мавжуд. Г.Я.Дресвянскаянинг фикрига кўра, Кеш вилоятининг асосий ҳудудлари айнан илк ўрта асрлар даврида ўзлаштирилган⁵⁹. Фақат Яккабоғ туманида 20

⁵⁰ Массон М.Е. Работы Кешской археолого-топографической экспедиции (КАТЭ) по изучению восточной половины Кешской области УзССР 1966 г. Археология Средней Азии. Сборник научных трудов ТашГУ, –№533. – Ташкент, 1977.

⁵¹ Лунина С.Б. О возможности отождествления Наукад-Курейша. Научные труды Ташкентского гос. университета. – №473. – Ташкент, 1974. – С. 3-14; Черты культуры Кеша в IX-XII вв. История и культура южных районов Средней Азии в древности и средневековье. Сборник научных трудов Ташкентского гос. университета. – Ташкент, 1988; Города Южного Согда. – Ташкент, 1984.

⁵² Усманова З. И. Историческая топография Шахрисабза в свете новых данных. Археология Средней Азии. Сборник научных трудов ТашГУ. – №533. – Ташкент, 1977. – С. 103-110.

⁵³ Раимқулов А.А., Сиддиқова Г. Х. Кеш-Шаҳрисабз ҳудудида шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши хусусида. Ўзбекистон археологияси. – №1 (2). – Б. 99-107.

⁵⁴ Крашенинникова Н.И. Об археологических работах 1978 г. в зоне Гисарского водохранилище. Труды ТашГУ. – № 630. – Ташкент, 1980; Она же: Верхний строительный горизонт Караултепе в зоне Гисарского водохранилища. Материалы по археологии Средней Азии. Труды ТашГУ. – № 707. – Ташкент, 1983. – С. 9-23.

⁵⁵ Дресвянская Г. Я. К районированию археологических памятников раннего средневековья (по материалам Яккабагского района). ОНУ, 1985. – № 10; Она же: Комплекс памятников Тырнася. Материалы к археологической карте. Материалы по истории, историографии и археологии. Сборник научных трудов ТашГУ. – № 639. – Ташкент, 1980.

⁵⁶ Дресвянская Г. Я., Сагдуллаев А.С., Усманова З.И. Классификация раннесредневековых памятников среднего течения Кашкадарьи. Раннесредневековая культура Средней Азии и Казахстана (тезисы Всесоюзной научной конференции в г. Пенджикенте Таджикской ССР 26-31 августа 1977 г. – Душанбе, 1977. – С.48-53, 69-72.

⁵⁷ Раимқулов А.А., Исамиддинов М.Х. Туртқултепа – новый памятник эпоха финальной бронзы в Южном Согде. Археологические работы на новостройках Узбекистана. – Ташкент, 1990. – С. 30-36; Раимқулов А.А. Исамиддинов М.Х. Эгамбердиев Ф.П. Раннесредневековая керамика Туртқултепа. ИМКУ, вып. – № 36. – Самарканд, 2008. – С. 118-127.

⁵⁸ Раимқулов А.А., Суёнов С.С., Саидов М.М., Ражабов А.Ю. “Ўзбекистоннинг археологик ёдгорликлари каталоги. 5 том. Қашқадарё вилояти. 1-қисм. Яккабоғ тумани”. Самарканд, 2013, Раимқулов А.А., Суёнов С.С., Саидов М.М., Қодиров Р.Қ., Сандибоев А. “Ўзбекистоннинг археологик ёдгорликлари каталоги. 5 том. Қашқадарё вилояти. 2-қисм. Шаҳрисабз тумани”. – Самарканд, 2014,

⁵⁹ Дресвянская Г.Я. Раннесредневековые города и поселения восточной части Южного Согда // Городская среда и культура Бактрии-Тохаристана и Согда. – Ташкент: Фан, 1986. – С. 37-38.

% антик даврга, 70 % илк ўрта асрларга ва 30 % ривожланган ўрта асрларга мансуб⁶⁰.

Тадқиқотларнинг иккинчи босқичи Жанубий Суғд, жумладан Кеш воҳасининг илк ўрта асрлар қишлоқ маконларини ўрганишда айниқса муҳим давр ҳисобланади.

Учинчи босқичда молиявий кейинчиликлар сабабли Жанубий Суғд ва унга қўшни ҳудудларда қишлоқ маконларини ўрганиш деярли тўхтаб қолди. Лекин бунга қарамасдан жуда муҳим археологик тадқиқотлар – Кеш воҳаси (Яккабоғ⁶¹, Шахрисабз⁶², Китоб⁶³, Чирокчи⁶⁴, Қамаш⁶⁵ туманлари) ва Ғузур воҳалари⁶⁶ археологик ёдгорликларини ҳисобга олиш ишлари амалга оширилди. Тўрткўлтёпа қишлоқ маконининг илк ўрта асрларга оид катта миқдордаги археологик топилмалари илмий муомалага киритилди⁶⁷.

Мустақиллик даврида Шахрисабз воҳаси тарихи ва археологияси бўйича нашр этилган асарларда илк ўрта асрлар қишлоқ маконлари ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд⁶⁸.

Мустақилликдан кейин Ўзбекистонда археология фани халқаро даражага кўтарилди, дунёнинг Франция, АҚШ, Италия, Германия, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Польша, Россия каби мамлакатларнинг илғор археология марказлари ва университетлари билан ҳамкорликда кўплаб халқаро экспедициялар ташкил этилди. Ғузур туманида жойлашган Ялпоқтёпа ёдгорлигида Ўзбекистон-Туркия халқаро экспедицияси бир неча тадқиқотлар олиб борди⁶⁹.

⁶⁰Древняяская Г.Я. К районированию археологических памятников раннего средневековья (По материалам Яккабагского района)// ОНУ, 1985. – № 10. – С. 27.

⁶¹Раимкулов А.А., Суёнов С.С., Саидов М.М., Ражабов А.Ю.“Ўзбекистоннинг археологик ёдгорликлари каталоги. 5 том. Қашқадарё вилояти. 1-қисм. Яккабоғ тумани”. – Самарқанд, 2013.

⁶²Раимкулов А.А., Суёнов С.С., Саидов М.М., Қодиров Р.Қ., Сандибоев А. “Ўзбекистоннинг археологик ёдгорликлари каталоги. 5 том. Қашқадарё вилояти. 2-қисм. Шахрисабз тумани”. – Самарқанд, 2014,

⁶³Суёнов С.С., Саидов М.М., Қодиров Р.Қ., Сандибоев А. “Ўзбекистоннинг археологик ёдгорликлари каталоги. 5 том. Қашқадарё вилояти. 3-қисм.Китоб тумани”. – Самарқанд, 2015.

⁶⁴ Раимкулов А.А., Эгамбердиев Ф.П. ва бошқалар. Қашқадарё вилояти Чирокчи ва Яккабоғ туманларида 2016 йилда олиб борилган археологик кидирувлар ҳисоботи. – Самарқанд, 2017. Архив Института археологии АН РУз, Ф.3.01. Д. 156.

⁶⁵Раимкулов А.А., Эгамбердиев Ф.П. ва бошқалар. Қашқадарё вилояти Қамаш туманида 2017 йилда олиб борилган археологик кидирувлар ҳисоботи. – Самарқанд, 2018. Архив Института археологии АН РУз, Ф.3.01. Д. 154.

⁶⁶Раимкулов А.А., Эгамбердиев Ф.П. ва бошқалар .Қашқадарё вилояти Ғузур туманида 2015 йилда олиб борилган археологик кидирувлар ҳисоботи. – Самарқанд, 2016. Архив Института археологии АН РУз, Ф.3.01. Д.153; Раимкулов А.А., Чешмели И. Эгамбердиев Ф.П. Археологические раскопки на Ялпактепа Гузарского района Кашкадарьинской области в 2007-2008 гг. Археологические работы в Узбекистане 2007-2008 гг. Самарқанд, 2010. – С. 174-185.

⁶⁷Раимкулов А.А. Исамиддинов М.Х. Эгамбердиев Ф.П. Раннесредневековая керамика Турткўлтёпа. ИМКУ, вып. – № 36. – Самарқанд, 2008. – С. 118-127

⁶⁸Кеш-Шахрисабз тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Шарқ, 1998; Шахрисабз-Минг йиллар мероси. – Тошкент: Шарқ, 2002; Равшанов П. Шахрисабз тарихи. – Тошкент, 2011. Равшанов П., Хушвақов Н. Қашқадарё тарихига саёҳат. – Тошкент, 2020.

⁶⁹ Раимкулов А.А., Чешмели И. Эгамбердиев Ф.П. Археологические раскопки на Ялпактепа Гузарского района Кашкадарьинской области в 2007-2008 гг. Археологические работы в Узбекистане 2007-2008 гг. – Самарқанд, 2010. – С. 174-185.

Хуллас, Кеш воҳаси тарихий ёдгорликларини тадқиқ этишнинг биринчи босқичи танишув ва дастлабки разведка хусусиятига эга бўлиб, бу даврда асосан Кеш-Шаҳрисабзнинг меъморий ёдгорликлари ўрганилган. Иккинчи босқич, яъни Совет даврида Кеш воҳасининг қадимги ва ўрта асрлар даври шаҳарлари, антик ва илк ўрта асрлар даври қишлоқ маконларини ўрганиш учун кенг қамровли археологик қазилма ишлари олиб борилди. Учинчи босқичда қишлоқ маконларини ўрганиш қисқарди ва вилоятнинг археологик ёдгорликларини рўйхатга олиш ишлари амалга оширилган.

Диссертациянинг **“Кеш воҳасида илк ўрта асрлар даври қишлоқ маконларининг шаклланиши ва ривожланиши динамикаси”** деб номланган иккинчи бобда воҳанинг илк ўрта асрларга оид археологик ёдгорликлари таснифи, Тўрткўлтёпа қишлоқ маконининг хужалиги ва маданий хусусиятлари, Қизилдарё водийси ёдгорликларида олиб борилган археологик тадқиқотлар таҳлил этилган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи **“Кеш воҳасининг илк ўрта асрлар қишлоқлари шаклланиш жараёни”** деб номланади.

Илк ўрта асрлар даври энг аввало Марказий Осиёдаги икки йирик салтанатлар – Кушон ва Қанғ давлатларининг инқирозга юз тутиши ҳамда минтақа ҳудудида қадимги тарихий-маданий вилоятлар негизида ярим мустақил мулкликларнинг ташкил топиш жараёни кечган тарихий даврдир. Марказлашган бошқарувнинг барҳам топиши жойларда маҳаллий ҳокимлар сиёсий мавқеининг тобора мустақамланиб, кучайиб боришига олиб келган, туркий, хионий, эфталийлар ва Турк ҳоконлиги сиёсий бирлашмалари таркибида минтақанинг обод деҳқончилик ҳудудларига кириб келган кўплаб кўчманчи қабилалар маълум бир вакилларининг ўтроқ турмуш-тарзига ўтиши бу жараёнга ўзига хос таъсир кўрсатган эди. Ўзининг табиий шароити ва қулай имкониятлари туфайли Кеш воҳаси Суғдиёна конфедерацияси таркибида ушбу жараёнларда муҳим ўрин тутган. Марказлашган давлатчилик тизимидан фарқли равишда кўчманчи сиёсий уюшмалар бошқарувидаги анъаналар таъсирида дастлаб Хионийлар ва Эфталийлар, кейинчалик эса Турк ҳоконлиги ҳукмронлиги таъсирида нафақат Суғдиёна, балки, Кеш воҳаси ҳокимлари ҳам турли даврларда муайян ваколатларга эга бўлган. Бундай ваколатларни айниқса, милодий VII асрнинг биринчи ярмида халқаро савдо-иқтисодий алоқаларда Кеш мулклиги номидан ташкил этилган йирик карвонлар ҳамда Кеш ихридлари (Шишпир, Ахурпат) номидан зарб этилган танга пуллар мисолида кузатиш мумкин⁷⁰.

Кеш воҳаси кўчманчи қабилалар вакиллари ўтроқлашувининг кучайиши таъсирида айнан илк ўрта асрлар даврида урбанизация ва янги ерларни ўзлаштириш жараёнига жадал тортилган. Натижада воҳанинг тоғ олди ҳамда табиий сув ирмоқлари ҳавзаларида аҳолининг кўплаб янги манзилгоҳлари – турли меъморий тузилишдаги қишлоқлар тармоғи шаклланади. Кеш воҳасида аҳоли манзилгоҳлари – деҳқончилик воҳаларининг янги тармоқлари

⁷⁰Сулейманов Р.Х., Древний Нахшаб...-С. 37.

шаклланиши масалаларининг айрим жиҳатлари исломгача бўлган даврга тегишли турли тарихий манбаларда ўз аксини топган. Бироқ, турли сабабларга кўра Кеш воҳасида илк ўрта асрлар даври деҳқончилик маданиятининг аҳволи, ўтроқ турмуш тарзига ўтаётган чорвадор қабилалар томонидан ўзлаштирилган янги деҳқончилик воҳалари ҳамда вужудга келган қишлоқ маконлари классификацияси каби масалалар тўғрисида ушбу манбалардан тўлақонли маълумотларни ололмаймиз. Шу сабабли археологик кузатув ва қазишмалар туфайли аниқланган, ўтроқ турмуш маданияти изларини ўзида акс эттирган ёдгорликларда амалга оширилган изланишлар таҳлили бу борадаги “кемтик”ни ўзига хос тўлдиради⁷¹.

Жумладан ушбу бобда воҳа археологик ёдгорликларининг топографик хусусиятларига эътибор қаратилган. Воҳанинг археологик ёдгорликларини қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Аморф тархга, мудофааланган буржга ва унга тақалган уй-жойларга эга бўлган икки поғонали тепаликлар. Кеш воҳаси таркибига кирувчи Қамаша Яккабоғ, Чироқчи, Шаҳрисабз ва Китоб туманлари ҳудудида бу турга оид ёдгорликлар 40 та атрофида белгиланди. Уларнинг ташқи кўринишлари айлана ёки тўртбурчак бўлиб, ўлчамлари 0,5-0,8 дан 1,0-1,5 гача. Бу каби ёдгорликлар жумласига Карнайтепа, Овозбергтепа, Намозгартепа, Киндиктепа, Тўрткўлтепа, Қўштепа, Худоёртепа каби ёдгорликларни киритиш мумкин.

2. Тўғри тўртбурчак тархли, унга тўртбурчак шаклида тақалган уй-жойларга эга тепаликлар. Бу тур Қарши ҳамда Кеш воҳаларида анча кенг тарқалган бўлиб, Кеш воҳаси бўйича 80 та ёдгорлик, уларнинг ўлчамлари 0,3-0,5-4-5 га. Бу турга Ғуржобтепа, Худоёрбеғимтепа, Қасноқтепа ва Бегиш қишлоғида жойлашган Қўрғонтепани киритиш мумкин.

3. Марказий тепалиги тўғри тўртбурчакли ёки квадрат тархли икки поғонали тепаликлар. Бу турга Яккабоғ туманидаги Сурнай қишлоғи атрофида жойлашган иккита ёдгорлик Карнайтепа ва Сурнайтепани, Қарши воҳасидаги Қўлбуқаттепа, Гувалактепа, Поштонтепа, Супаралангтепа ва Оққўрғонтепани киритиш мумкин. Кўплаб мутахассисларнинг фикрларига кўра, бу тархга эга бўлган ёдгорликлар антик даврда пайдо бўлганлар. Қарши воҳасида очиб ўрганилган Киндиклитепа тўртбурчак шаклига эга бўлиб, марказида тепалик мавжуд.

4. Тўғри тўртбурчакли ёки квадрат тархли тепаликлар. Бу турга оид ёдгорликлар Жанубий Суғдда жуда кенг тарқалган. Кеш воҳаси бу тур ёдгорликлар сони 86 та Р.Х.Сулаймоновнинг маълумотига кўра Қарши ва Ғузор воҳаларида 55 тани ташкил этади. Бу тархга эга ёдгорликлар Чимқўрғон сув омбори ҳавзасида Овултепа, Нахшабдаги Кунжутлитепадир. Овултепа суғд қалъаси бўлса, Кунжутлитепа жамоа яшаган “кад”дир.

⁷¹Раимқулов А.А., Суёнов С.С., Саидов М.М., Ражабов А.Ю. Ўзбекистоннинг археологик ёдгорликлари каталоги. 5-том. Қашқадарё вилояти. 1-қисм. Яккабоғ тумани. Самарқанд, 2013. Раимқулов А.А., Суёнов С.С., Саидов М.М., Қодиров Р.Қ., Сандибоев А. Ўзбекистоннинг археологик ёдгорликлари каталоги. 5-том. Қашқадарё вилояти. 2-қисм. Шаҳрисабз тумани. – Самарқанд, 2014.

5. Узунчоқ тархга эга бўлган тепаликлар. Кеш ва Нахшаб воҳаларида жуда кенг тарқалган. Р.Х.Сулаймоновнинг маълумотига кўра, Нахшаб ва Ғузур воҳаларда бу турдаги ёдгорликлар 80 тадан ортиқ⁷². Бизнинг ҳисоб-китобимизча, Кеш воҳаси ҳудудида 70 тадан ортиқ ҳисобга олинган⁷³. Узунчоқ тархга эга бўлган ёдгорликларнинг асосий қисмида илк ўрта асрлар, шу билан бирга антик давр сополлар ва қатламлари учрайди. Уларнинг ўлчамлари 20x15 м, до 100x70-80. Узунчоқ тархга эга бўлган ёдгорликлар тўртбурчакли қалъалар, ибодатхоналар, қишлоқ маконларининг қолдиқларидир.

6. Тўғри тўртбурчакли, арки ёдгорликнинг бир чеккасида жойлашган икки поғонали тепаликлар. Бу турдаги тепаликлар Яккабоғ туманида 20 та, Китоб туманида 32 та, Чироқчи туманида 3 та, Шаҳрисабз туманида 18 та рўйхатга олинган⁷⁴. Бу тепаликлар жумласига Чироқчи туманидаги Сариктепа, Маҳматкултепа, Ҳасантепа, Чорданги тепа, Яккабоғ шаҳри яқинидаги Овозбергантипани, Ғузур туманидаги Ялпоқтепани киритиш мумкин. Бу тур ёдгорликларининг барчаси илк ўрта асрлар ва ўрта асрлар даврига оид қишлоқ маконларнинг қолдиқларидир. Ёдгорликларнинг арки ўз вақтида қишлоқ оқсоқолининг қасри ёки уйи, ёки ибодатхона бўлган

7. Айлана шаклидаги катта ва кичик тепаликлар. Жанубий Суғдда энг кўп тарқалган бўлиб, Қарши ва Ғузур воҳаларида 92 та, Кеш воҳасида эса 112 та қайд этилган⁷⁵. Айлана шаклидаги тепаликларнинг энг кичиклари диаметри 8-10 м, баландлиги 2,5-3 метрдан бошлаб, йириклари диаметри 40-50 м. Бу турга оид тепаликлар Жанубий Суғднинг барча ҳудудларида учрайдилар ва улар квадрат тархга эга бўлган иншоотлар қолдиқларидир. Фикримизча, кўплаб майда намуналари мазорқўрғонлар қолиқлари бўлиши мумкин.

8. Майда тепаликлар мажмуалари. Топографик жиҳатдан бир жойга жамланган тепаликлар мажмуаси Кеш ҳудудида 10 тача мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги Қўштепа номи билан аталади. Бу турдаги ёдгорликларнинг ёрқин намунаси Яккабоғ туманида жойлашган, тўғрибурчакли, айлана, узунчоқ шаклларга эга бўлган Ғиштепа ва учта тепаликдан иборат Тўрткўлттепадир. Р.Х.Сулаймоновнинг маълумотига кўра, Қарши воҳасида мана шундай 26 та тепаликнинг 14 тасида мил. авв. I мил. I асрлар материаллари учрайди ва 17 таси V-VIII асрлар билан даврланган⁷⁶.

⁷²Сулейманов Р.Х., Древний Нахшаб... – С. 37.

⁷³Раимқулов А.А., Суёнов С.С., Саидов М.М., Ражабов А.Ю. Ўзбекистоннинг археологик ёдгорликлари каталоги. 5-том. Қашқадарё вилояти. 1-қисм. Яккабоғ тумани. – Самарқанд, 2013. Раимқулов А.А., Суёнов С.С., Саидов М.М., Қодиров Р.Қ., Сандибоев А. Ўзбекистоннинг археологик ёдгорликлари каталоги. 5-том. Қашқадарё вилояти. 2-қисм. Шаҳрисабз тумани. – Самарқанд, 2014.

⁷⁴Раимқулов А.А., Суёнов С.С., Саидов М.М., Ражабов А.Ю. Ўзбекистоннинг археологик ёдгорликлари каталоги. 5-том. Қашқадарё вилояти. 1-қисм. Яккабоғ тумани. – Самарқанд, 2013. Раимқулов А.А., Суёнов С.С., Саидов М.М., Қодиров Р.Қ., Сандибоев А. Ўзбекистоннинг археологик ёдгорликлари каталоги. 5-том. Қашқадарё вилояти. 2-қисм. Шаҳрисабз тумани. – Самарқанд, 2014.

⁷⁵Раимқулов А.А., Суёнов С.С., Саидов М.М., Ражабов А.Ю. “Ўзбекистоннинг археологик ёдгорликлари каталоги. 5 том. Қашқадарё вилояти. 1-қисм. Яккабоғ тумани”. – Самарқанд, 2013. Раимқулов А.А., Суёнов С.С., Саидов М.М., Қодиров Р.Қ., Сандибоев А. “Ўзбекистоннинг археологик ёдгорликлари каталоги. 5 том. Қашқадарё вилояти. 2-қисм. Шаҳрисабз тумани”. – Самарқанд, 2014.

⁷⁶Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб... – С. 38.

9. Асоси яхлит бўлган, лекин усти қисми “сақкиз”симон кўринишга эга бўлган ёдгорликлар. Бу турга оид ёдгорликлар Кеш воҳасида илк ўрта асрларда анчагина кенг тарқалган бўлиб, Яккабоғда 4 та, Китобда 9 та, Чироқчида 1 та, Шаҳрисабзда 8 та, Қамашада 2 та ҳисобга олинди. Бу турдаги тепаликлар Ғузур ва Қарши воҳаларида 19 та ҳисобга олинган⁷⁷.

10. Учбурчак шаклидаги икки поғонали тепаликлар. Бу турга оид ёдгорликлар Кеш воҳасида илк ўрта асрларда жуда кам тарқалган бўлиб, Яккабоғ тумани ҳудудида 4 та, Китобда 3 та, Чироқчида 1 та, Шаҳрисабзда 10 та, Қамашада 3 та аниқланди.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи **“Илк ўрта асрлар қишлоқ манзилларининг ўзига хос хусусиятлари”** деб номланади. Ўрта Осиёнинг йирик дарёларидан бири Қашқадарё Ҳисор ва Зарафшон тоғ тизмаларидан оқиб келувчи Оқсув, Қизилдарё, Танҳоз, Яккабоғдарё каби дарёлар ва ўнлаб сойларнинг сувларидан ҳосил бўлган. Дарёга яқин жойларда аҳолининг яшаши учун қулай шароит мавжуд бўлганлиги боис қадимдан инсонлар яшаб келган. Тадқиқотлардан маълумки ҳудудда илк ўрта асрларда қишлоқларнинг катталашгани ва кўпайганлигини кўрамиз. Кеш воҳаси илк ўрта асрлар қишлоқларидан, Қамаштепа, Олтинтепа, (Навқад-Қурайш), Ғиштепа, Кишмиштепа, Чечактепа, Сариктепа мисолида кўришимиз мумкин⁷⁸.

Асосан XX асрнинг ўрталаридан бошлаб Кеш тарихий-маданий ўлкаси ҳудудларида олиб борилган археологик қазилмалар туфайли илк ўрта асрлар даврига оид кўплаб деҳқончилик воҳалари ҳамда қишлоқ маконлари қолдиқлари аниқланган. Ушбу ёдгорликларни ўрганиш мақсадида олиб борилган изланишлар таҳлиллари Кеш воҳасига илк ўрта асрлар даврида кириб келган кўп сонли кўчманчи қабилалар ҳаётида жадал кечган ўтrockлашув жараёнларини тадқиқ этишда муҳим ўрин эгаллайди. Воҳада узок йиллар давомида амалга оширилган археологик тадқиқотлар таҳлили, шунингдек, айрим археологик ёдгорликларда муаллиф ҳам бевосита иштирок иштирок этган қазилмалар давомида қўлга киритилган тарихий артефактлар, ёдгорликларнинг режавий тузилиши борасидаги илмий тадқиқотлар илк ўрта асрларда вужудга келган янги қишлоқ маконлари тўғрисида тўлақонли илмий хулосалар чиқаришга, илмий тадқиқотларнинг келгуси йўналишларини белгилашга имкон яратди. Тадқиқотнинг асосий қисмини ёритишда манбашунослик ва археологик тадқиқотлар таҳлили ҳамда муаллиф томонидан олиб борилган кузатувлар, айрим археологик қазилмалар давомидаги изланишлар муҳим манбавий асос вазифасини бажарди.

Академик А.С.Сагдуллаевнинг маълумотга қараганда, Яккабоғ қишлоғидан то Қалтакул қишлоғигача бўлган ҳудудда дарё водийсида 60 дан ортиқ археологик манзиллар мавжуд. Қашқадарёнинг ирмоқларидан бири Қизилдарё-Яккабоғдарё

⁷⁷Раимкулов А.А., Суёнов С.С., Саидов М.М., Ражабов А.Ю. “Ўзбекистоннинг археологик ёдгорликлари каталоги. 5 том. Қашқадарё вилояти. 1-қисм. Яккабоғ тумани”. – Самарқанд, 2013. Раимкулов А.А., Суёнов С.С., Саидов М.М., Қодиров Р.Қ., Сандибоев А. “Ўзбекистоннинг археологик ёдгорликлари каталоги. 5 том. Қашқадарё вилояти. 2-қисм. Шаҳрисабз тумани”. – Самарқанд, 2014.

⁷⁸ Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Тошкент: “Фан”, 1995.

Ҳисор тоғларидан бошланиб, Шаҳрисабз шаҳридан бир неча чақирим масофада Қашқадарёга қуйилади. Қизилдарё-Яккабоғдарёнинг чап ирмоқларидан бири эса Турнасой Яккабоғ қишлоғидан 4 чақирим шимолда, Янгиобод қишлоғи яқинида унга қуйилади. Турнасой водийси шарқдан ғарбга қараб 30-32 км чамаси чўзилган.

Мазкур водийда, аниқроғи Турнасойнинг қуйи оқимига яқин ҳудудда, Нўғайли, Ўрта, Хўжа ва Боташ қишлоқлари жойлашган. Биз томонимиздан бу ҳудудда турли даврларга оид 20 та ёдгорлик ҳисобга олинди. Ўрта қишлоғининг юқори террасасида 18 та мозорқўрғон мавжуд. Тўрткўлтпепа Ўрта қишлоғининг ғарбий чеккасида, Турнасойнинг ўнг қирғоғи яқинида жойлашган.

Турнасойнинг юқори қисмидаги Сувликўл ҳудудида геолог олим Е.Б.Пругер ва археолог Г.Я.Дресвянскаялар металл хом ашёси қайта ишланган манзилгоҳларни тадқиқ қилганлар⁷⁹. Қизилдарёнинг чап қирғоғидаги Янгиобод қишлоғи ҳудудида Г.Я.Дресвянская томонидан ноёб илк ўрта аср қасри Чечактепа ўрганилган⁸⁰.

1985-1986 йилларда ва 2007 йилда (муаллиф ҳам иштирок этган) Тўрткўлтпепада Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти ходимлари М.Х.Исомиддинов ва А.А.Раимқуловлар томонидан кенг миқёсда археологик қазишмалар олиб борилган ва Тўрткўлтпепанинг марказий тепалигидан жануб томондаги қисми тўлалигича очиб ўрганилган⁸¹. Аниқланишича, Тўрткўлтпепа илк ўрта асрларга оид йирик қишлоқ макони бўлиб, атрофи ташқи маҳобатли мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Ташқи деворнинг ҳар икки метрида тўртбурчакли шинақлар мавжуд бўлиб, у тинчлик даврларда коридорсимон хоналарни ёритиш учун туйнук вазифасини ўтаган.

Олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Тўрткўлтпепада иккита қурилиш даври мавжуд бўлганлиги аниқланди. Қишлоқ биринчи қурилиш даврида бизга номаълум бўлган сабабларга кўра кучли ёнғин натижасида вайрон бўлган. Қишлоқ харобалари аввал унинг аҳолиси томонидан ташлаб кетилган ва маълум бир вақтдан кейин қайтадан яна таъмирланган. Биринчи қурилиш даврида атрофи ташқи девор билан ўраб олинган майдонда аввалдан тайёрланган тарх асосида турар жойлар бунёд этилади.

Биринчи қурилиш даврида хоналар ва коридорсимон хоналарнинг умумий сони 18 та бўлган бўлса, иккинчи қурилишда 35 тага кўпайган. Ёдгорик ўрганилганда ўчоқлар, хўжалик ўралари, ўтириш учун супалар ва катта миқдорда сопол идишлар парчалари ва бутун сақланган сифатли идишларнинг бутун бошли мажмуаси топилди. Йўлакнинг охирида каттакон

⁷⁹Пругер Е.Б. Археологические наблюдения в горных районах Кашкадарьинской области (правобережье реки Аксу) в 1966 г. Археология Средней Азии. Сборник научных трудов ТашГУ. – №533. – Ташкент, 1977. – С. 26-36. Шу муаллиф; Древние горнопромышленные объекты юга Узбекистана. Материалы по истории, историографии и археологии. Сборник научных трудов ТашГУ. – № 630. – Ташкент, 1980. – С. 44-65.

⁸⁰Дресвянская Г.Я. Основные результаты изучения раннесредневекового памятника Чечактепа. Культура юга Узбекистана в древности и средневековье, Труды ТашГУ. – Ташкент. 1987. – С. 16-24.

⁸¹Раимқулов А.А., Исамиддинов М.Х. Турткултепа – новый памятник эпоха финальной бронзы в Южном Согде. Археологические работы на новостройках Узбекистана. – Ташкент, 1990. – С. 30-36.

хона жойлашган бўлиб, диний маросим учун оловга сиғиниш хонаси бўлса керак. Хонанинг ўртасида айлана шаклида кучли куйган майдонча мавжуд ва унда муқаддас олов ёниб турган.

Катта миқдордаги кулолчилик буюмлари асосида қишлоқнинг биринчи қурилиш даври милодий IV асрнинг иккинчи ярми билан, иккинчи қурилиш даври эса V-VI аср билан тавсифланди⁸².

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи **“Қизилдарё водийси худуди қишлоқ манзилларидаги тадқиқотлар таснифи”** деб номланади. Қизилдарё Қашқадарёнинг энг йирик ирмоғи ҳисобланади. Олдинги параграфда айтилганидек бу худудда, яъни Яккабоғ қишлоғидан то Қалтақул қишлоғигача бўлган худудда дарё водийсида 60 дан ортиқ археологик манзиллар мавжуд.

Маълумки, илк ўрта асрлар даври Марказий Осиёнинг кучли сиёсий воқеаларга бой ва сиёсат майдонида жуда катта-катта ўзгаришлар содир бўлган даври ҳисобланади. Бу урушларнинг энг йириги шубҳасиз VI асрнинг 60-йилларида содир бўлган. Турк ҳоконлиги ва Сосонийлар Эрони ҳарбий иттифоқининг Эфталитлар билан 562-564 йилларда олиб борган уруши Эфталитлар империясининг тарих саҳнасида кетишига сабаб бўлди. Эфталитлар ҳукмронлиги даврида Жанубий Суғднинг пойтахти сифатида фаолият кўрсатиб келган улкан Никшапа (Нахшаб) шаҳри, воҳанинг иккинчи пойтахти мақомига эга бўлган Қалъайи Зоҳаки Морон ўрнидаги улкан шаҳар ва яна бир қанча йирик шаҳарлар, юзлаб катта-кичик қишлоқлар мана шу уруш оқибатида тамомила вайронага айланган ва уларнинг аҳолиси қириб юборилган⁸³.

Кеш воҳасининг илк ўрта асрларга оид бошқа бир ёдгорлиги 47-Номсиз тепаликда ўрганилган бўлиб, бу тепалик Хисор тоғларининг энг ғарбий этакларида, Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани Яккабоғ қишлоғи яқинида, Оқсув-Яккабоғ канали йўналишида жойлашган. 47-Номсиз тепаликда мавжуд бўлган иншоот қолдиқлари 1987-1988 йилларда Тошкент Давлат университети тарих факультети “Ўрта Осиё археологияси” кафедраси талабалари гуруҳи томонидан Н.П.Столярова раҳбарлигида тўлалигича очиб ўрганилган⁸⁴.

Диссертациянинг иккинчи боби тўғрисида қуйидаги хулосалар қилиш мумкин. Кеш воҳаси тарихий ёдгорликларини тадқиқ этишнинг иккинчи босқичи, яъни Совет даврида воҳанинг антик ва илк ўрта асрлар даври қишлоқ маконларини ўрганиш учун олиб борилган кенг камровли археологик қазишма ишлари натижаси таҳлил қилинди. Натижада воҳадаги илк ўрта аср қишлоқлари ҳақида аниқ тасаввур пайдо бўлди.

⁸²Раимкулов А.А. Исамиддинов М.Х. Эгамбердиев Ф.П.... – С. 118-127.

⁸³Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Тошкент, 1995. – Б. 36.

⁸⁴Отчет о полевых работах кафедры археологии Средней Азии ТашГУв 1988 г. ЎзР ФА архиви. Ф3, О1, Д73; Биз бу ўринда 47-номсиз тепалик материалларидан ушбу диссертацияда фойдаланишга рухсат берганлиги учун Археология кафедраси ўқитувчилари ҳамда бу борада ёрдам берган устозимиз профессор Р.Х.Сулаймоновга ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

Диссертациянинг “Кеш воҳаси қишлоқлари аҳолиси турмуш тарзи ва машғулоти.” деб номланган учинчи бобида, Кеш воҳасининг сўнгги антик ва илк ўрта асрлар даври жамиятининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган қишлоқлар ва уларнинг аҳолиси ҳақида маълумот берилган.

Учинчи бобнинг биринчи параграфи “Илк ўрта аср қишлоқ аҳолиси турмуш тарзи” деб номланади. Ўз юртларини ташлаб кетган юз минглаб халқлар ва қабилалар Суғднинг серсув ва айни пайтда кенг майдонларда ёйилиб ётган Қашқадарё ва Зарафшон дарёсининг сувлари етиб бориши мумкин бўлган бўш ҳудудларидан паноҳ топадилар ва мана шу сув ва унумдор тупроққа эга бўлган ҳудудларда ғишт ва пахсадан уй-жойлар қуришлари ва деҳқончилик қилишлари учун битмас-туганмас манбаларга эга бўладилар ва мана шу тупроқда ўтроқлашадилар. Шу тариқа Нахшаб воҳасининг кенг ҳудудларида, Кеш воҳасининг текисликдаги ҳудудларида ўнга яқин топографик хусусиятларга, ўзига хос меъморий кўринишларга эга бўлган бир неча юзлаб қишлоқ маконлари, қасрлар, қалъаларлар қарор топади.

Жанубий Суғд археологик ёдгорликлари бешта хусусиятга (категория) бўлишга имкон яратди: I – майда кўрғончалар: 0,3 га; II – йирик кўрғонлар ва майда қалъалар: 0,7 га; III – қалъалар ёки кичик мудофааланган шаҳарчалар: 1,5-2,0 га; IV – йирик қалъалар ва ўрта катталиқдаги шаҳарчалар: ўртача 3,5 га; V – йирик шаҳарлар харобалари: 7,0 га атрофида⁸⁵. Лекин бу ўлчовлар ҳам воҳа шаҳарлари ва қишлоқлари орасига маълум бир чегара қўя олмайди, яъни ёдгорликларни қишлоқ ва шаҳарларга ажратишга мезон бўла олмайди.

Суғдиёна ҳудудида III-IV асрлардан бошлаб майда қишлоқлар, қалъалар ва қасрлар сонининг кескин ортиши Сирдарё бўйларидаги “Жетиасар маданияти” ва “Қовунчи маданияти”га мансуб халқларнинг миграцияси билан изоҳланади. Жетиасар маданиятига мансуб халқлар меъморчилигида, яъни шаҳарлар, қалъалар ва қасрлар қурилишида асосий эътибор бу аҳоли масканларининг мудофаасига қаратилган.

Милоднинг III-IV асрларида хунн қабилаларининг сиқуви остида жетиасарликлар ўз ватанларини ташлаб бир қисми Тошкент воҳасига ва Фарғона водийсига, бир қисми Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларига кўчиб келган.

Бу даврда Қашқадарё воҳасининг демографияси, моддий маданияти, шаҳарлар, қишлоқлар, қалъалар ва қасрлар меъморчилигидаги кескин ўзгаришлар Жетиасар маданияти аҳолисининг миграцияси билан боғлиқ дейиш мумкин.

Р.Х.Сулаймоновнинг фикрига кўра, Жетиасар маданияти вакиллари кириб келгандан кейин ҳар бир шаҳарча, қишлоқ ва қасрлар мудофааси яқка хусусиятга эга бўлган⁸⁶.

⁸⁵Сулейманов Р.Х., Древний Нахшаб. – Ташкент, 2000. – С. 39-40.

⁸⁶Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб.. – С. 61.

Қовунчи-Жетиасар маданияти вакилларининг кириб келиши билан Самарқанд Суғдида ҳам янги иқтисодий юксалиш кузатилади, марказлашган муҳофаа тизимлари ўрнига ҳар бир шаҳар, қишлоқ, қалъа ва ҳаттоки майда қасрлар учун ҳам алоҳида қўриқлаш тизимига эга бўлган⁸⁷.

Жанубий Суғднинг илк ўрта асрларга оид қишлоқларини ўрганиш жараёнида С.К.Кабанов, Г.Я.Дресвянская, С.Б.Лунина, Н.И.Крашенинникова томонидан кўп миқдорда археологик материаллар тўпланди⁸⁸.

Бу воқеликларни муфассал таҳлил қилган академик А.Асқаровнинг фикрига кўра, қовунчи ва жетиасар маданиятига мансуб халқлар туркий тилли бўлиб, уларнинг бир қисми Шош ва Фарғона воҳаларига, катта қисми Суғд минтақасига ёйилиб кетган. Шу жиҳатдан хулоса қиладиган бўлсак, илк ўрта асрларнинг бошларида Жанубий Суғднинг асосий ҳудуди туркий тилли халқлар томонидан тўлиқ эгалланди.⁸⁹

Учинчи бобнинг иккинчи параграфи **“Кеш воҳаси қишлоқ аҳолиси хўжалик турлари”** деб номланади.

Милоднинг IV-VIII асрларини қамраб оладиган илк ўрта асрлар даври Марказий Осиё тарихининг турли-туман тарихий воқеликларга бой бўлган ғоят мураккаб давридир. Шарқ билан ғарбни, шимол билан жанубни боғлайдиган халқаро савдо ва маданий мулоқотлар йўллари кесишадиган жойда жойлашган Ўрта Осиё ҳудуди қадимдан маҳаллий ўтроқ ва кўчманчилар маданиятларининг, туркий, суғдий, сурёний, бахтарий, тохарий, яхудий ва бошқа тилларнинг, оташпарастлик, зардуштийлик, мажусийлик, монийлик, насронийлик ва бошқа турлича динларнинг бир-бирлари билан мулоқот майдонига айланади. Бу воқеликлар бу ўлкада илк ўрта асрлар давомида шаклланган маҳаллий халқлар маданиятида ўз изини қолдирган бўлиб, улар шаҳарсозлик, қишлоқлар қурилиши, меъморчилик, ҳунармандчилик ва айниқса бу даврда яратилган санъат буюмларида яққол намоён бўлади. Мана шу даврнинг энг мураккаб жиҳатларидан ва муаммоларидан бири илк ўрта асрлар даври қишлоқлар маданияти, қишлоқ аҳолисининг ижтимоий, маданий, маиший турмуш даражаси, диний ва дунёвий қарашларидир.

Илк ўрта асрларга келиб жамиятнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи қишлоқлар аҳолиси бўлганлиги тарихдан маълум. Бу даврда Ўрта Осиё, жумладан, унинг марказий минтақаси бўлган Суғд ҳудудида қишлоқ маконлари сонининг кескин ошиши кузатилади. Бу ҳолат Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий ҳудудларида, ўрта ва қуйи Сирдарё бўйларида қадимдан яшаб келган, ўтроқ, ярим кўчманчи ва кўчманчи турмуш-тарзига эга бўлган қабилалар ва халқларнинг Марказий Осиёнинг шимолий шарқий ҳудудларида рўй берган қурғокчилик туфайли, бу ерда яшаган жанговар гузн қабилаларининг

⁸⁷ Ахунбабаев Х.Г. Археологическое изучение Булунгурского района в 1979-1980 гг. ИМКУ, вып. 18, – Ташкент: Фан, 1983. – С. 154-165.

⁸⁸ Дресвянская Г.Я. Основные результаты изучения раннесредневекового памятника Чечактепа. Культура юга Узбекистана в древности и средневековье, Труды ТашГУ. – Ташкент. 1987. – С. 16-24.

⁸⁹ Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент, 2015. – Б. 284-297.

тарқалиши ва босқинчилик ҳаракатлари оқибатида Суғд ҳудудига миграцияси оқибатлари сифатида баҳоланади.

Ўз юртларини ташлаб кетган юз минглаб халқлар ва қабилалар Суғднинг серсув ва айни пайтда кенг майдонларда ёйилиб ётган Қашқадарё ва Зарафшон дарёсининг сувлари етиб бориши мумкин бўлган бўш ҳудудларидан паноҳ топадилар ва мана шу сув ва унумдор тупроққа эга бўлган ҳудудларда ғишт ва пахсадан уй-жойлар қуришлари ва деҳқончилик қилишлари учун битмас-туганмас манбаларга эга бўладилар ва мана шу тупроқда ўтроқлашадилар. Шу тариқа Нахшаб воҳасининг кенг ҳудудларида, Кеш воҳасининг текисликдаги ҳудудларида ўнга яқин топографик хусусиятларга, ўзига хос меъморий кўринишларга эга бўлган бир неча юзлаб қишлоқ маконлари, қасрлар, қалъаларлар қарор топади.

Айнан мана шу даврдан бошлаб Жанубий Суғдда икки поғонали майда ва ўрта катталиқдаги қишлоқ маконлари сонининг кескин кўпайиши кузатилади. Топографик хусусиятига кўра бу тепаликлар узунчоқ, тўртбурчак, учбурчак, айлана тархларга эга бўлсада, уларнинг барчаси учун ягона хусусият – уларнинг икки поғонали эканлигидир. Бу даврда қишлоқ маконларининг катта қисми баланд арк (кўшк, қалъа, қаср) ва ўнга турли томондан пастдан тақалган қишлоқ қолдиқларидан иборат бўлган. Бундан ташқари айлана, узунчоқ, тўртбурчак тархга эга бўлган алоҳида қад ростлаган тепаликлар сонининг ҳам кескин ошиши кузатилади. Мана шу икки турга оид ёдгорликлар Кеш воҳасининг илк ўрта асрлар даври қишлоқ маконларининг асосий қисмини ташкил этади.

Диний эътиқоди ва тасаввурлари тўғрисида маълумотлардан Хитойлик сайёҳ Сюан-Цзаннинг маълумотларига қараганда Суғд ва Уструшонада будда динига сиғинувчилар бўлмаган. Яна бир хитойлик сайёҳ Хой Чаонинг 726 йилга оид маълумотларига кўра, Самарқандда ягона Будда ибодатхонаси мавжуд бўлиб, унда бор-йўғи бир нафар қоҳин фаолият кўрсатган. Аҳолининг катта қисми зардуштийлик динига эътиқод қилишган⁹⁰. Чунки тадқиқот мавзуимиздаги Тўрткўлтепанинг ғарбий қисмида, коридорнинг охирида каттакон хона жойлашган бўлиб, у топиниш хонаси мавжудлиги, хонанинг ўртасида айлана шаклида кучли куйган майдонча мавжуд ва унда муқаддас олов ёниб турган бўлиш эҳтимоли мана шу фикрга яқинлаштиради.

Турнасоё аҳолига қадимданоқ бу водийда суғорма деҳқончилик билан машғул бўлишга имкон яратган. Тўрткўлтепадан кўплаб ёрғучоқлар топилган. Лекин Тўрткўлтепанинг жанубий қисми тўлалигича очилганлигига қарамасдан бу ерда нон ёпиладиган тандир топилмади. Нонлар бизнингча сопол товаларда пиширилган. Ю.Ёкубовнинг фикрича, Суғдиёна ҳудудида VII асрнинг иккинчи ярмигача тандир кашф этилмаган ва нон маҳсулотлари сопол товаларда пиширилган⁹¹.

⁹⁰Ғофуров Ж.И. Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари. Автореф. тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Самарқанд, 2018. – Б. 21.

⁹¹Якубов Ю.Я. Раннесредневековые сельские поселения горного Согда. – Душанбе, 1988. – С. 48.

Тўрткўлтпеда яшаган аҳолининг бир қисми деҳқончилик билан шуғулланган. Деҳқончилик учун ерлар Тўрткўлтпеда атрофидан ўзлаштирилган. Дон маҳсулотларидан тарик, арпа ва шу билан бирга мош, ловия, нўхат, ерёнғоқ ҳам етиштирилган. Полиз маҳсулотларидан эса пиёз, саримсоқ, шолғом, турп, тарвуз, кўплаб турдаги қовун, қовоқ ва бошқалар экилган. Мевали дарахтлар: ўрик, олма, гилос, шафтоли, олхўри, нок, ёнғоқ, жийда, дўлана кабилар ҳам ўсган ва кўпайтирилган. Тирнасой водийсида албатта узум ҳам етиштирилган.

Турнасой водийсида аҳоли илк темир давриданок ўтроқлашган⁹². Аҳолининг асосий қисми чорвачилик билан банд бўлган. Тирнасой атрофлари ва дарёнинг юқори террасаларидаги жуда катта ҳудуд, чорва моллари боқиш учун чексиз имкон яратган. Бу ҳудудда йирик шохли қорамоллар билан бирга майда шохли қўй ва эчкилар боқилган. Чорва моллари асосан Тўрткўлтпеда ва бошқа қишлоқ маконлари атрофида қурилган оғилларда, усти очик кўтонларда сақланган. Озиқ-овқат рационининг сезиларли қисмини ёввойи ҳайвонлар – тўнғиз, кийик, бўрсик, жайра, ёввойи буқа (тур), товушқон каби ҳайвонлар гўшти ҳам ташкил этган. Шу билан бирга бедана, каклик, қирғовул ва бошқа турдаги паррандалар ҳам овланган. Гўшт маҳсулотлари ичида албатта, балиқ гўшти ҳам сезиларли ўрнига эга бўлган.

Юқорида айтилганидек, Тўрткўлтпеда хонадонларида мисгарлик ва газмол тўқиш ҳунармандчилиги бўлган. Тўрткўлтпедадаги узун коридорсимон хоналар аҳолининг бир қисми палос-алача тўқишга мўлжалланган, чунки энсиз палос тўқиш учун узунлиги ўн, ўн беш метрдан кам бўлмаган жой керак бўлади. Е.Е.Неразик Якка Парсон ёдгорилигидаги қишлоқ маконида бир нечта турдаги палослар ва алачалар тўқилганлигини қайд этган⁹³.

Аҳоли ичида этикдўзлар, дурадгорлар, аравакашлар, савдогарлар, олиб-сотарлар, хонандалар, руҳонийлар, овчилар, балиқчилар мавжуд бўлганлиги шубҳасиз.

Тўрткўлтпепанинг жанубий қисм тўлалигича очилганлигига қарамасдан бу ёдгорликда бир дона танга топилган. Бу ҳолатлар Жанубий Суғд тоғли қишлоқларида асосан товар айирбошлаш муносабатлари асосий ўрин тутганлигини, аҳоли маҳаллий савдо-сотик муносабатларида деярли иштирок этмаганликларини кўрсатади. Бу каби ҳолат Ю.Т.Яқубов томонидан Гардани Ҳисор қазишмаларда ҳам кузатилган⁹⁴.

Хулоса қилиб айтганда, илк ўрта асрлар Кеш воҳаси қишлоқ маконлари ва аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий турмуши ва маданий ҳаёти минтақадаги Турнасой водийси мисолида баён этилди. Бу даврда қишлоқлар хўжалиги ва ижтимоий турмуш тарзида муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Жамиятининг

⁹² Раимқулов А.А., Исамиддинов М.Х. Турткултепа – новый памятник эпоха финальной бронзы в Южном Согде. Археологические работы на новостройках Узбекистана. – Ташкент, 1990. – С. 30-36.

⁹³ Неразик Е.Е. Сельское поселения афригидского Хорезма. – М., 1966. – С. 98-99.

⁹⁴ Яқубов Ю.Я. Ранне средневековые сельские поселения горного Согда. – Душанбе, 1988. – С. 48. рис 11.

асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган қишлоқлар сони ва уларнинг аҳолиси сезиларли даражада кўпайди.

ХУЛОСА

Кеш воҳасида илк ўрта асрлар даври қишлоқ маконларининг вужудга келиши ва ривожланиши жараёнларини тадқиқ этиш, мавзуга доир манбашунослик ва тарихшунослик тадқиқотларини ўрганиш, шунингдек, мазкур даврга оид турли археологик ёдгорликларда олиб борилган кузатув ва қазишмалар натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Илк ўрта асрлар даври энг аввало Марказий Осиёдаги икки йирик салтанатлар – Кушон ва Қанғ давлатларининг инқирозга юз тутиши ҳамда минтақа худудида қадимги тарихий-маданий вилоятлар негизида ярим мустақил мулкликларнинг ташкил топиш жараёни кечган тарихий даврдир. Кеш воҳаси Суғдиёна конфедерацияси таркибида ушбу жараёнларда муҳим ўрин тутган. Марказлашган давлатчилик тизимидан фарқли равишда кўчманчи сиёсий уюшмалар бошқарувидаги анъаналар таъсирида дастлаб Хионийлар ва Эфталийлар, кейинчалик эса Турк ҳоқонлиги ҳукмронлиги таъсирида нафақат Суғдиёна, балки, Кеш воҳаси ҳокимлари ҳам турли даврларда муайян ваколатларга эга бўлган.

2. Кеш воҳаси кўчманчи қабилалар вакиллари ўтроқлашувининг кучайиши таъсирида айнан илк ўрта асрлар даврида урбанизация ва янги ерларни ўзлаштириш жараёнида жадал ривожланган. Натижада воҳанинг тоғ олди ҳамда табиий сув ирмоқлари ҳавзаларида аҳолининг кўплаб янги манзилгоҳлари – қишлоқлар тармоғи шаклланади. Кеш воҳасида аҳоли манзилгоҳлари – деҳқончилик воҳаларининг янги тармоқлари шаклланишининг айрим жиҳатлари исломгача бўлган даврга тегишли бўлган турли тарихий манбаларда ўз аксини топганлиги ўрганилди.

3. Тўртбурчакли тархга эга бўлган тепаликлар Кеш воҳасининг барча худудларида, жумладан, тоғли, тоғ олди ва текисликдаги сунъий суғориладиган худудларда жуда кенг тарқалган. Уларнинг топографик хусусиятидан маълумки, бу тепаликларнинг аксарияти ташқи қалин мудофаа деворларига эга бўлган қалъалар ва қишлоқ маконларининг қолдиқларидир. Улар ўзларида илк ўрта асрлар даври жамияти аҳоли манзилларининг яна бир хусусиятини намоён этишга имкон беради.

4. Юқорида тасниф этилган манзилгоҳлар тараққиётига қараб хулоса қилинганда илк ўрта асрлардаёқ (V-VIII асрлар) Қашқа воҳаси деҳқончилик учун яроқли бўлган ерлар ўзлаштирилганлигини ва бу жойларда қишлоқлар вужудга келганлигини кўришимиз мумкин. Аҳоли манзилларининг пайдо бўлиши ва тараққиётида сон ва сифат уйғунлиги алоҳида аҳамият касб этади. Бир томондан Қашқа воҳаси текисликларидаги қарийб барча майдонлар, тоғолди ерлари ўзлаштирилиб, олдинги даврлардагига нисбатан кишилик манзиллари сони кескин кўпаяди, иккинчи томондан эса, шаҳарлар вужудга келишидаги ўзига хосликлар – уларнинг тузилишидаги турли-туманликлар

давом этгани каби, шаҳарлар сони ҳам орта боради. Умуман, бу даврда ҳам кишилик манзиллари асосан серсув ҳудудларда вужудга келади ва кўпаяди.

5. КАТЭ (Кеш археологик-топографик экспедицияси)нинг кўп йиллик тадқиқотлари турли типдаги манзилгоҳларнинг географик аҳволи, хўжалик фаолияти ва табиий ҳамда сунъий сув манбаларидан келиб чиқиб жойлашувининг концептуал схемасини тузишда ва тушунишда, ҳатто, мустақил ҳудудлар чегарасини аниқлашда кўмаклашди. Чунончи, қалъалар, одатда, сув (булоқ) бошида қурилган. Вақтлар ўтиши билан бу қалъа атрофи кенгайиб, мудофаа тизимига эга бўлган қишлоқлар пайдо бўлган. Сувнинг йўналиши бўйлаб уни назорат қилиш учун катта-кичик турар жойлар кўпайган. Сув йўлларининг бўйларида мустаҳкамланмаган манзиллар жойлашган, ёнида эса деҳқонларнинг алоҳида турар жойлари қуриш имконини берган.

6. Кеш воҳасининг илк ўрта асрларга оид қишлоқлари ва қасрларини археологик жиҳатдан тадқиқ этиш борасидаги олиб борилган қазишмалар етарли даражада олиб борилмаган. Ушбу аҳоли манзилларининг шаклланиши ва даврий ривожланиш босқичларини ўрганиш ва илмий хулосалар чиқариш учун нафақат ушбу ҳудудда, қолаверса бутун Суғдиёна ҳудудида археологик қазишмалар орқали ўрганилган қасрлар ва қишлоқлар режалари ҳамда археологик топилмалари тўғрисидаги маълумотларни қиёсий таҳлил қилишни тақозо этади.

7. Ўрта Осиёнинг кўплаб илк ўрта асрлар қишлоқларида кенг қўлланилган ҳовли-уй меъморчилик анъанаси мавжуд бўлсада, Тўрткўлтетада бу турдаги анъанага асосий диққат қаратилмаган ва бу ёдгорлик марказидаги мўъжаз ҳовлича қишлоқ турмушининг асосий жойи бўлиб хизмат қилмаган. Агар шу даврга оид Нахшаб воҳаси қишлоқларининг режасига эътибор берсак, Кунжутлитепадаги марказий ҳовли қишлоқдаги жами хонадонлар учун умумий ҳисобланган.

8. Тўрткўлтетадан топилган археологик топилмалар орасида ўндан ортиқ бутун ва синган ҳолатда дон майдалашга мўлжалланган ёруғочоқлар топилган бўлиб, ушбу асбоб бу ерда яшаган аҳолининг асосий қисми деҳқончилик билан шуғулланганлигини кўрсатади. Бу ерда яшаган аҳоли ўзлари етиштирган буғдой донини майдалаб ун қилишган ва ундан нон, атала, хамирли овқатлар ва бошқа таомлар тайёрлаган. Лекин Тўрткўлтетапанинг жанубий қисми тўлалигича очилганлигига қарамасдан бу ерда тандир топилмади ва бу ҳолат ушбу қишлоқ аҳолиси бу ерда яшаганида ҳали улар тандирдан фойдаланмаганликларини кўрсатади. Нонлар бизнингча чўғ устига қўйиладиган сопол товаларда пиширилган деган хулосага олиб келади.

Тадқиқотнинг илмий хулосалари асосида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

туризм соҳасини янада ривожлантириш мақсадида қадимий қишлоқлар тарихига оид буклетлар, ўзбек, рус ва инглиз тилларида рангли альбомлар яратиш;

республикада туризмни ривожлантириш учун янги туристик йўналишлар ташкил қилиш;

Китоб, Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларидаги музейларнинг “Қишлоқлар тарихи” фондларини антик ва илк ўрта асрлар даври экспонатлари билан бойитиш;

Ўзбекистон телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда доимий “Ўзбекистоннинг қадимий қишлоқлари” рукни ташкил этиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD. 03/27.02.2021.TAR.70.05
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЭГАМБЕРДИЕВ ФАХРИДДИН ПАНЖИЕВИЧ

**ИСТОРИЯ И КУЛЬТУРА СЕЛЬСКИХ ПОСЕЛЕНИЙ
РАННЕСРЕДНЕВЕКОВОГО КЕШСКОГО ОАЗИСА**

07.00.01 – История Узбекистана

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по
историческим наукам

Карши – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В 2021.4.PhD/Таг.347.

Диссертация выполнена в Каршинском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.qarshidu.uz) и на веб-странице Информационно-образовательного портала «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель:

Райимкулов Абдусабур Аззамович
доктор исторических наук

Официальные оппоненты:

Кобулов Эшболта Атамуродович
доктор исторических наук, профессор

Худойкулов Тулкин Дустбобоевич
доктор исторических наук, доцент

Ведущая организация:

Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится 25 08 2022 г. в 9⁰⁰ часов на заседании ученого совета PhD. 03/27.02.2021. Таг.70.05 при Каршинском государственном университете. (Адрес: 180103, г. Карши, улица Кучабог, 17. Тел.:(0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.ru). Каршинском государственном университете.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского государственного университета (зарегистрирован под № 110). (Адрес: 180103, г. Карши, улица Кучабог, 17. Тел.:(0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.ru).

Автореферат разослан 12 08 2022 года
(Протокол реестра № 13 от 12.08 2022 года).



Б.Дж.Эшов
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор исторических наук, профессор

Н.Н.Раджабова
Ученый секретарь Научного совета,
кандидат исторических наук, доцент

Ю.А.Эргашева
Председатель Научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, доктор исторических
наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В Мировой историографии изучение территорий, освоенных людьми как община, старинных пространств, которые объединили их в рамках историко-географических подходов считаются одними из способов постоянно используемыми в мировой науке. Так как, в рамках данных подходов системное изучение исторической топографии, политических, экономических, социальных особенностей определенной территории, быта, религиозных и светских взглядов населения и антропогенного ландшафтного развития этой территории предоставляет возможность беспристрастного освещения исторических процессов.

В современной мировой историографии большое внимание уделяется историко-географическому расположению и международных отношений культурных оазисов в составе государств в Согде. Так как, в позднем античном периоде после краха Кушанского государства, государства Согда до вхождения Центральной Азии в состав Арабского халифата находились под управлением Эфталитского государства и Тюркского каганата, имели важное значение в политических социо-экономических отношениях таких политических структур как Сасанидское государство, Византия, Китайская империя. Поэтому, исследование территории, исторической географии, культурных отношений административно-территориальных единиц Согда, освещение социо-экономической и культурной истории народов Центральной Азии раннего средневековья имеет важное научное значение.

За годы независимости Узбекистана выполнено большое количество практических работ, посвященных сохранению многовековому богатому материальному и культурному наследию нашего народа, коренному улучшению исследований, усовершенствованию современных методов исторических дисциплин, широкому внедрению современных исследовательских методов исторических дисциплин в источниковедческие и историографические исследования. Исходя из вышеперечисленных изучение культуры сёл раннего средневековья территории, которая признана Кешским владением, используя современных способов и путём этого способа уточнения вопросов его исторической географии, материальной культуры, быта, культурной жизни определяет актуальность диссертации, предоставленной нам.

Осуществление данной диссертации в определенной степени служит выполнению задач намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № ПФ-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», Указ «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017, Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, № ПП-4068 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности в сфере охраны объектов материального культурного наследия» от 19 декабря 2018 года и других нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики.

Диссертационное исследование выполнено в соответствии с направлением развития науки и технологий Республики I. «Формирование системы социальных, правовых, экономических, инновационных идей информационного общества и демократического государства и пути их выполнения.

Степень изученности проблемы: Изучение истории раннесредневековых деревень Средней Азии продолжается с последней четверти XIX века до наших дней. На основе анализа археологических раскопок последовательно проведенных в Кешском оазисе в течении долгих лет историю данных исследований можно делить на периоды: 1). Исследования последней четверти конца XIX века – 20-е годы XX века. 2). Археологические исследования периода владчества Советской власти. 3). Исследования выполненные в последнем десятилетие XX века – в начале XXI века.

Исследования последней четверти XIX века – 20-х годов XX века осуществлены в процессе установления, укрепления владчества Российской империи в регионе Средней Азии, в связи с экономическими и политическими интересами, также активными действиями в империи собирателей-коллекционеров собирающих артефактов античного периода в Туркестанском крае. В археологических наблюдениях и раскопках налаженных в Кешском оазисе большое значение имел Туркестанский Кружок Любителей Археологии (ТКЛА) учрежденный в 1895 году⁹⁵ и действовавший до 1917 года. В том числе, по инициативе кружка по поводу археологических памятников расположенных в оазисе, маленькое оповещение опубликованное в 1908 в результате наблюдений русского офицера, художника-любителя, хрониста и ориенталиста Б.Литвинова подтверждает что, холм который местным населением называется Шуллактепой является самым старым большим археологическим памятником⁹⁶. Начиная с 1916 года начинается деятельность члена ТКЛА И.А.Кастанье по поводу изучения археологических памятников в оазисе. И.А.Кастанье впервые утверждает что Наутака который упоминаются в источниках античного периода располагалась вблизи современного города Карши⁹⁷. Эти наблюдения и исследования имели большое значение в последующих исследованиях по историю античности и раннего средневековья.

Археологические исследования эпохи владчества советской власти можно разделить на два этапа, с установления советской власти до второй Мировой войны, а также на период со Второй мировой войны до 90-е годы XX века.

⁹⁵ Открытие Туркестанского кружка любителей археологии 11 декабря 1985 года. – Ташкент: Типо-литография бр. Порцевых, 1895. – С. 13.

⁹⁶ Литвинов Б. Заметки о Карши. Братская помощь. Иллюстрированный военно-общественный журнал. – Ташкент, 1908. – С. 84.

⁹⁷ Кастанье И.А. Археологическая разведка в западных частях Бухары// ПТКЛА. – Тошкент, 1917. Вып. 4. – С. 26-30.

Первый этап характеризуется формированием новых способов и методов превращения археологии на одну из основных дисциплин исторической науки и проведения исследований.

С деятельностью М.Е.Массона начавший свои исследования в Афрасиябе в 1912 году под руководством В.Л.Вяткина, а также участвовавшего постоянно в раскопках с 1919 года начинается развитие Среднеазиатской археологии как специальное научное направление.

